БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 178 (925)

6 СЕНТЯБРЬ ЖУМА 1957 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

ПЛЕНУМ ПАРТИЯ ВА ҲУКУМАТНИНГ ПАХТА ВА БОШҚА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРИШ ЮЗАСИДАН БЕРГАН ТОПШИРИҚЛАРИНИ БАЖАРИШ УЧУН РЕСПУБЛИКАДА ҲАММА ИМКОНИЯТЛАР БОР ДЕБ ҲИСОБЛАЙДИ ВА ЎЗБЕКИСТОН МЕҲНАТКАШЛАРИ 1957 ЙИЛДА МАМЛАКАТГА 3 МИЛЛИОН ТОННА ПАХТА БЕРИШ ЮЗАСИДАН ОЛГАН МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БАЖАРИШГА БУТУН КУЧЛАРИНИ САРФЛАЙДИЛАР, ДЕБ ҚАТТИҚ ИШОНЧ БИЛДИРАДИ.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ V ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг „СССРда уй-жой қурилишини ривожлантириш тўғрисида“ги қарори ва Ўзбекистон ССРда уй-жой қурилишини кенгайтириш соҳасида Ўзбекистон партия ташкилотининг вазифалари

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати XX съезд тарихий қарорларини амалга ошираборио сўнгги йилларда саноатни, қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришга ва совет халқи моддий фаровонлигини оширишга қаратилган бирқанча катта тадбирларни амалга оширди.

КПСС Марказий Комитети ва ССР Иттифоқи Министрлар Советининг «СССРда уй-жой қурилишини ривожлантириш тўғрисида»ги қарори Партия ва Ҳукуматнинг совет кишилари моддий ва маданий савиясини ошириш юзасидан амалга оширган талбирлари орасида муҳим ўрин эгаллайди. Бу қарорда яқин 10-12 йил ичида мамлакатда уй-жой етишмовчилигини тугатиш учун уй-жой фондини қисқа муддат ичида анча ошириш кўзда тутилади.

1956-1960 йилларда партия XX съезди директиваларида кўзда тутилган 205 миллион квадрат метр уй-жой майдони ўрнига давлат йўли билан 215 миллион квадрат метр ҳажмдаги уй-жой биносини эксплуатацияга топшириш белгиланди. Шаҳарларда, шаҳар типидаги поселкаларда, МТС, совхоз ва ўрмон саноати хўжаликларида аҳолининг маблағи ҳисобига ва давлатдан кредит йўли билан ёрдам бериш ҳисобига уй-жой қурилиши ҳажми илгари белгиланган 84 миллион квадрат метрдан 113 миллион квадрат метрга етказилади. Қишлоқ жойларда колхозчилар ва кишлоқ зиёлилари учун 4 миллион уй қурилади.

Ўзбекистон меҳнаткашлари бутун совет халқи сингари бу қарорни Партия ва Ҳукуматнинг совет кишилари фаровонлиги ва маданий савиясини янада ошириш тўғрисидаги ғамхўрлигининг янги ёрқин ифодаси деб кутиб олдилар.

Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда саноат ва қишлоқ хўжалигининг ривожланиши билан бир қаторда катта ҳажмда капитал қурилиши, шу жумладан уй-жой ва маданий маиший бинолар қурилиши олиб борилди. Республикада Чирчиқ, Бекобод, Олмалиқ, Оҳангарон, Ленинск сингари обод шаҳарлар, шунингдек бирқанча ишчи поселкалари қад кўтарди. Бешинчи беш йиллик йилларининг ўзида шаҳар ва поселкаларда умумий майдони уч миллион квадрат метрга яқин уй-жой бинолари қурилди.

Бироқ, республикада уй-жой проблемаси ҳали ҳам энг жиддий проблемалардан бири бўлиб қолмоқда. 1957 йил 1 январдаги маълумотларга қараганда Ўзбекистон шаҳарлари аҳолисининг уй-жой билан ўртача таъминланиши белгиланган санитария нормаларидан анча паст, яъни бир кишига 6.7 квадрат метр майдон тўғри келади. Бунинг сабаби даставвал шундаки, сўнгги вақтларгача саноат қурилишининг суръати уй-жой қурилишидан устун эди, шунингдек, сўнгги 30 йил ичида республика шаҳарлари аҳолисининг сони ўртача 2,2 баравар ошди.

Уй-жойга катта эҳтиёж бўлганига қарамасдан республика партия, совет ва хўжалик органлари сўнгги вақтларгача уй-жой билан таъминлаш соҳасида вужудга келган қийин аҳволни тузатиш учун зарур чоралар кўрмадилар. Уй-жой қурилиши давлат планлари йил сайин бажарилмай келди, бу мақсадларга ажратилган маблағлардан эса тўла фойдаланилмади. 1951 йилдан 1956 йилгача ўтган даврнинг ўзида республикада уй-жой қурилишига ажратилган маблағдан 500 миллион сўмга яқини ўзлаштирилмай қолди.

Қорақалпоғистон АССРда уй-жой майдонларини фойдаланишга топшириш планлари айниқса ёмон бажарилмоқда. Бу ерда ўтган йилги план ҳаммаси бўлиб 51 процент, Қашқадарё областида 52 процент, Бухоро областида 55 процент, Фарғона областида 62 процент ва Тошкент областида 67 процент бажарилган. Бу областларда уй-жой қурилиши плани бу йил ҳам бажарилмай қолиш ҳавфи остида турибди.

Умуман республика бўйича планда белгиланган 392 минг квадрат метр уй-жой майдонидан етти ой ичида фақат 102 минг квадрат метри ёки 1957 йил планининг 26 процанти миқдорида фойдаланишга топширилди.

Тошкент шаҳрида уй-жой қурилиши плани бутунлай қониқарсиз бажарилмоқда. Бу ерда шу даво ичида уй-жой майдонининг фақат 14 процанти фойдаланишга топширилди.

Ўзбекистон ССР қурилиш министрлиги, сув хўжалиги министрлиги, «Главголодностепстрой»нинг, «Средазгидроэнергострой» ва «Ўзбекшахтострой» трестларининг кўпгина бинокорлик ташкилотлари, шунингдек Тошкент, Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Хоразм область ва Қорақалпоғистон АССР қурилиш трестлари белгиланган топшириқни, айниқса уй-жойларни фойдаланишга топшириш планини муттасил бажармай келадилар, сифатнинг паст бўлишига ва уй-жой қурилиши қимматининг юқори бўлишига йўл қўядилар.

Пленум область, шаҳар ва район партия комитетлари ҳамда область шаҳар ва район ижроия комитетлари уй-жой қурилиши соҳасидаги қониқарсиз аҳволга кўникиб келаётганликларини, қурилиш ташкилотларини ишини чуқур ўрганмаётганликларини ва меҳнаткашларни уй-жой билан таъминлаш учун зарур чоралар кўрмаётганликларини бутунлай нотўғри иш деб ҳисоблайди.

Қурилиш министрлиги қурилиш ташкилотларининг бирлаштирилганлиги ва йириклаштирилганлигига қарамасдан бу министрликнинг трестлари, бошқармалари ҳамда республиканинг бошқа қурилиш ташкилотлари мавжуд имкониятлардан ёмон фойдаланмоқдалар, ташкилий-техникавий раҳбарликни паст даражада амалга оширмоқдалар, бинокорлик ишларининг индустриал методларидан ва илғор технологиясидан суст фойдаланмоқдалар, ускуналар, механизмлар ва ишчи кучларидан қониқарсиз фойдаланмоқдалар.

Республика қурилиш ташкилотлари, шунингдек жойлардаги партия ва совет органлари айниқса Қорақалпоғистон АССР, Хоразм, Бухоро, Сурхондарё ва Қашқадарё областларининг партия ва совет ташкилотлари қурилиш ишларини ва айниқса уй-жой қурилишини кенгроқ авж олдириб юбориш учун ишлаб чиқариш базалари вужудга келтириш тўғрисида етарли ғамхўрлик қилмаётирлар. Республикада йиғма темир-бетон ва бошқа конструкцияларни, ҳамда деталларни ишлаб чиқарадиган заводлар, полигонлар қуввати сусткашлик билан ошириляпти.

Область, шаҳар ва район партия комитетлари, шунингдек қурилиш ташкилотлари бинокор ишчилар, инженерлар, техник кадрлар, айниқса маҳаллий миллатлар орасидан чиккан бинокор кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга етарли эътибор бермаётирлар, улар учун нормал уй-жой ва маданий маиший шароитлар яратиб бериш тўғрисида ғамхўрлик қилмаётирлар. Бу эса катта қўнимсизликка сабаб бўлмоқда ва муқим бинокор кадрлар вужудга келтиришга халақит бермоқда.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг пленуми қурилиш суръатларини оширишга халақит бераётган асосий сабаблардан бири бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш даражасининг пастлигидир, деб ҳисоблайди. Сўнгги ўн йил мобайнида бинокорлик материаллари саноати ушда сезилари даражада ривожланмади. Натижада республикада бинокорлик материаллари танқислиги йил сайин ошиб бормоқда. Ишлаб чиқариш билан планда белгиланган истеъмол ўртасидаги тафовут 1957 йилда гишт бўйича 100 миллион донага, цемент бўйича 370 минг тоннага, оҳак бўйича 56 минг тоннага етди. Ўзбекистонда жуда бой минерал хомашё запаслари бўлишига қарамасдан, ҳозиргача девор блоклари, силикат ва силикатит буюмлар, говотли бетон, иссик ўтказмайдиган материаллар, қурук шувок материали ишлаб чиқариш йўлга қўйилмаган; инерт материаллари қазиб олиш ва бойитиш ишлари сust ривожланган. Республика корхоналарида илғор ишлаб чиқариш технологияси — қурук пресслаш усули билан гишт тайёрлаш, тоннель печлар қуриш шу вақтгача жорий қилинмаётир. Бу эса энг унумдор ва кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни кенг механизациялаш имкониятини берадиган усулдир.

Кўпгина область, шаҳар ва район партия ва совет ташкилотлари, саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотлари уй-жой қурилишида маҳаллий бинокорлик материалларидан ва ишлаб чиқариш чиқиндиларидан фойдаланмаётирлар. Бинокорлик материаллари жуда тақчил бўлишига қарамасдан уй-жой қуришда ҳамма жойда Ўзбекистонда қадимдан фойдаланиб келинган бинокорлик материаллари — ҳом гишт, черепица, пахса, камиш буюмлардан фойдаланилмаётир. Қишлоқларда қурилиш эҳтиёжлари учун дарахт ўстириш каби яхши традиция йўқ бўлиб кетди. Оҳак, ганч, керамзит ҳамда чиғаноқ тошдан блоклар тайёрлаш сust ривожланган.

Бинокорлик материаллари танқис бўлгани бир ҳолда кўпгина қурилишларда цемент, тахта-ёғоч, шифр, металлни тежаб сарфлаш учун етарли кураш олиб борилмаётир, бунда тақчил материалларнинг ўгирланишига ва талон-торож қилинишига йўл қўйилаётир. Шу билан бирга прокуратура ва суд органлари қўпиб ёзишга йўл қўяётган ва социалистик мулкни ўгирлаётган шахсларга нисбатан кескин чоралар кўрмаётир.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг пленуми ҳисоблайдики, қишлоқларда уй-жой қурилиши ва айниқса қишлоқларнинг ободончилиги ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Партия ва совет ташкилотлари колхоз ва колхозчиларнинг ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган уйлар, маданий маиший бинолар қуриш ҳамда колхоз қишлоқларини обод қилиш соҳасидаги ўсиб бораётган имкониятларидан етарли даражада фойдаланмаётирлар.

Кўпчилик колхозларда доимий қурилиш бригадалари ташкил этилмаган ва бинокорлик материаллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилмаган. Колхозлараро қурилиш ташкилотлари тузиш чоралари кўрилмаётир.

Республикада коллектив ва якка тартибда уй-жой қурилишини ривожлантиришга етарли эътибор берилмаётир. Горькийликлар ташаббуси яхши оммалаштирилмаётир. Меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларининг кўпгина ижроия комитетлари уй-жой қурувчиларга ер участкалари ажратиб бериш масаласини ўз вақтида ҳал қилмаётирлар, хужжатларни расмийлаштиришда сансалорликка йўл қўйиб қўядилар, посёлкаларни обод қилиш тўғрисида ғамхўрлик кўрсатмаётирлар. Корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари уй-жой қурувчиларга етарли ёрдам кўрсатмаётирлар.

Уй-жой биноларини сақлаш, ремонт қилиш ва обод қилишга бепарво қараётганлиги ва бунинг натижасида уйларнинг вақтидан илгари бузилиб яроқсиз бўлиб қолаётганлиги меҳнаткашлар учун нормал уй-жой ва маиший шароитлар яратиш соҳасидаги жиддий тўғоноқлардан биридир. Маъмурий биноларни бўшатиш ҳисобига уй-жой фондини кенгайтириш мутлако етарли бўлмаётир.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг пленуми кўрсатиб ўтадики, шаҳар ва район марказларидаги қурилиш генерал планларга риоя қилинмаган ҳолда олиб борилмоқда, кўп ҳолларда уй-жой қурилиши катта ва бўш массивларда эмас, балки тарқоқ ҳолда шаҳарнинг турли қисмларида қурилмоқда, кўпинча эса, мавжуд бинолар асоссиз ҳолда кўплаб бузиб юборилмоқда.

Проект ташкилотлари ҳали ҳам ёмон ишламоқдалар, ўз олдиларига қўйилган вазифаларни бажараолмаётирлар, улар тайёрлаган уйларнинг типовой проектлари кўп ҳолларда қурилишни индустриал асосда ташкил қилиш талабларига жавоб бермайди, бу проектларда республика районларининг об-ҳаво ва маҳаллий шароитлари ҳисобга олинмайди. Проектда ортиқчаликларга йўл қўйилади, ва кераксиз ҳолда кўп металл, тахта ёғоч сарфлаш кўзда тутилади. Маҳаллий бинокорлик материалларидан фойдаланиш назарга олинмайди. Қурилиш архитектурасида қурилишнинг ҳозирги замон индустриал даражаси ўзбек халқининг бой архитектура мероси билан уйғунлаштирилмайди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг пленуми ҳисоблайдики, Марказий Комитет бюроси ва Республика Министрлар Совети капитал ва айниқса уй-жой қурилишига сust раҳбарлик қилмоқдалар ҳамда партия, совет ва қурилиш ташкилотлари раҳбарларидан меҳнаткашларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондириш учун масъулиятни етарли даражада талаб қилмаётирлар.

Партия комитетлари қурилишлардаги қуйи партия ташкилотларига яхши раҳбарлик қилмаётирлар, уларнинг қурилиш ишлари планининг бажарилиши соҳасидаги ролини ошириш ва мустаҳкамлаш учун зарур чоралар кўрмаётирлар. Кўпгина қурилишларнинг партия ташкилотлари хўжасизликка қарши етарли кураш олиб бормаётирлар, давлат ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш тўғрисида кам ғамхўрлик қилмоқдалар, бинокорларни меҳнатга ва ижтимоий мулкка социалистик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш юзасидан оммавий-сиёсий ишларни етарли даражада олиб бормаётирлар.

Ўзбекистон касаба союзлари совети ва касаба союз ташкилотлари меҳнаткашларнинг уй-жой-маиший шароитларини яхшилаш тўғрисида старли ғамхўрлик кўрсатмаётирлар, раҳбарларнинг коллектив шартномаларда уй-жой қурилиши масалалари юзасидан ўз зиммаларига олган мажбуриятларини бажармаётганликларига муросасозлик билан қарамоқдалар, уй-жой биноларини фойдаланишга топшириш планларининг бажарилиши устидан жамоат контролини ўрнатмаганлар, бинокорлар ўртасида социалистик мусобақани сусткашлик билан ривожлантирмоқдалар.

Касаба союз ва комсомол ташкилотлари бинокорлар ўртасида ва айниқса ёш ишчилар ўртасида тарбия ишларини қониқарсиз олиб бормоқдалар.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг Пленуми **қарор қилади:**

1. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «СССРда уй-жой қурилишини ривожлантириш тўғрисидаги қарори раҳбарлик ва бажариш учун қабул қилинсин. Уй-жой қурилишидаги камчиликларни жуда қисқа муддат ичида битириш ва уй-жой қурилишини янада ривожлантириш юзасидан Партия ва Ҳукумат белгилаган тадбирларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш республикадаги барча партия, совет, хўжалик ва касаба союз ташкилотларининг энг муҳим вазифаси деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг Пленуми шаҳарларда ва ишчи поселкаларида уй-жойга бўлган кескин танқисликни беш-олти йил мобайнида тугатиш учун республика реал имкониятларга эга деб ҳисоблайди ҳамда Ўзбекистон КП Марказий Комитети бюросига ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советига уй-жой майдонини фойдаланишга топшириш юзасидан барча халқ хўжалиги кенгашлари, министрликлар, бошқармалар ва меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетлари бўйича, шунингдек якка тартибда ва коллектив бўлиб уй-жой қуриш юзасидан 1958—1963 йилларга мўлжаллаб конкрет топшириқлар белгилаш мажбуриятини юклайди.

3. Область партия комитетлари ва область ижроия комитетларига, халқ хўжалиги кенгашлари, министрликлар ва қурилиш ташкилотларининг раҳбарларига КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети қарорида 1956-1960 йиллар учун белгилаган тадбирларнинг қуйидаги ҳажмларда бажарилишини таъминлаш мажбурияти юклатилсин:

а) давлат йўли билан умумий майдони 3900 минг квадрат метр уй-жой қуриб, шу жумладан 1958 йилда 735 минг квадрат метр, 1959 йилда 980 минг квадрат метр ва 1960 йилда 1250 минг квадрат метр ҳажмида уйларни фойдаланишга топшириш;

б) шаҳарларда, шаҳар типидаги поселкаларда, МТС ва совхозларда аҳолининг маблағлари ҳисобига ҳамда давлат кредити ёрдами билан умумий майдони 3000 минг квадрат метр, шу жумладан 1958 йилда 552 минг квадрат метр, 1959 йилда 770 минг квадрат метр ва 1960 йилда 1.000 минг квадрат метр уй-жой қуриш;

в) колхозчилар ва қишлоқ интеллигентлари учун 200 минг уй қуриш, шу жумладан 1958 йилда 45,1 минг, 1959 йилда 50,3 минг ва 1960 йилда 53,2 минг уй қуриш.

Республика областлари бўйича 1956-1960 йилларда давлат йўли билан якка тартибда ва қишлоқ қурилиши йўли билан қуйидаги ҳажмда уйларни фойдаланишга топшириш плани белгилансин:

(умумий майдони минг квадрат метр ҳисобида)

Областлар	Давлат йўли билан уй-жой қуриш	Аҳоли маблағлари ҳисобига давлат кредити ёрдами билан уй-жой қуриш	Шаҳарларда ва ишчи поселкаларда жамъи	Колхозларда уй қуриш (минг-та уй)
Тошкент шаҳри	1203	414	1617	—
Тошкент	1057	636	1693	33
Фарғона	360	181	541	23
Андижон	209	130	339	21
Наманган	118	214	332	19
Самарқанд	371	422	793	24
Бухоро	156	208	364	14
Қашқадарё	85	221	306	16
Сурхондарё	89,5	185	274,5	20
Хоразм	62,5	163	225,5	20
Қорақалпоғистон АССР	189	226	415	10
Жамъи	3900	3000	6900	200

4. Капитал қурилишни, айниқса уй-жой қурилишни планлаштиришда катта-катта камчиликлар мавжудлигини қайд қилиб, Ўзбекистон ССР Госплани, халқ хўжалиги кенгашлари, министрликлар, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари, Тошкент шаҳар ижроия комитети ва қурилиш ташкилотларининг раҳбарларига капитал ишларни планлаштиришни тўбдан яхшилаш тадбирларини кўриш, маблағларни жуда кўп объектларга сочиб юбориш каби ярамас практикага хотима бериш мажбурияти юклатилсин. Планларни тузиш вақтида қурилишнинг белгиланган муддатларига қаттиқ амал қилинсин ҳамда уйларни йилнинг кварталлари бўйича бир меёрда фойдаланишга топширишни таъминлайдиган заделларга маблағ бериш кўзда тутилсин. Планларда объектларнинг комплекс моддий техника воситалари билан сўзсиз таъминланиши кўзда тутилсин. Бунда Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигининг подрядчи қурилиш ташкилотлари планига бир қурилиш майдонида камида 500 минг сўмлик иш ҳажмига эга бўлган объектлар киритилсин.

5. Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига шаҳарлар, район марказларини қуриш юзасидан генерал планлар тузишни ва колхоз қишлоқларини қуришнинг содда схемаларини ишлаб чиқишни 1957-1959 йиллар мобайнида тамомлаш топширилсин. Уйларни типовой проектлари қайта кўриб чиқилиб, унга ўзбек архитектурасининг миллий хусусиятлари ҳозирги замон индустриал методларни ҳисобга олган ҳолда киритилсин. Типовой проектларда йиғма темир-бетондан, йирик блоклар ва панеллардан максимал фойдаланиш, ёғоч-тахта ва металл ишлатишни анча қамайтириш, маҳаллий бинокорлик материалларидан кенг фойдаланиш ҳамда уйларнинг ички баландлигини 3 метргача қамайтириш ва деворни осон йўл билан тиклашни жорий этиш кўзда тутилсин.

1958 йилдан бошлаб республика шаҳарларида, шаҳар типидаги ишчи поселкаларида ва район марказларида янги уйлар тасдиқланган ҳамда бир оилани жойлаштириш учун тежамлик кичик уйлар қуришни кўзда тутадиган типовой проектлар бўйича қурилсин.

6. Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ва шаҳар ижроия комитетларига шаҳарлар бўйича уй-жой, маданий-маиший ва коммунал қурилишни жойлаштириш планларини уй-жой қурилишини мавжуд биноларни бузиб ташламаган ҳолда асосан йирик массивларда ва бўш территорияларда амалга оширишни назарда тутиб, 1957 йил 1 ноябргача тасдиқлаш, шунингдек 1958-1960 йиллар учун уй-жой қуришга ер ажратиш масаласини ҳал қилиш мажбурияти юклатилсин.

7. Қурилиш ташкилотлари, халқ хўжалиги кенгашлари ва корхоналарнинг раҳбарларига қурилишларда меҳнатни ташкил этишни яхшилаш, қурилиш сифатини ошириш, муддатини қисқартириш ва кимматини камайтириш юзасидан зарур чоралар кўриш мажбурияти юклатилсин. Бунинг учун:

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА).

Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети **қарор қилдилар:**

1. Пахта тайёрлашнинг энг юқори суръатини, топширилаётган пахтанинг юқори сифатли бўлишини таъминлаётган ҳамда пахта нобудгарчилигига ва ҳом пахта терилишига йўл қўймаётган илғор областларга топширилиш учун Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг иккита кўчма Қизил Байроғи таъсис этилсин.

Биринчи байроқни топшириш билан бир вақтнинг ўзида 25 минг сўм миқдорида пул ва 10 та юк автомобили берилсин.

Иккинчи байроқни топшириш билан бир вақтнинг ўзида 15 минг сўм миқдорида пул ва 5 та юк автомобили берилсин.

Областларга пул маблағлари пахта тайёрлаш даврида энг намуна кўрсатган илғор районлар, колхозлар, совхозлар, машина-трактор станциялари, энг яхши теримчилар, пахта териш машиналарининг механик-хайдовчилари ва бошқа ходимларни мукофотлаш учун берилади.

Юк автомобиллари пахта териш ва топширишда энг яхши кўрсатгичларга эришган илғор колхозларга сотилади.

2. Область партия комитетлари ва область ижроия комитетларига ҳар бир областда ва Қорақалпоғистон АССР да пахта тайёрлашнинг энг юқори суръатини, топширилаётган пахтанинг юқори сифатли бўлишини таъминлаган, нобудгарчиликка ва ҳом пахта теришга йўл қўймаган илғор районга бериш учун область партия комитети ва область ижроия комитети (Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети)нинг битта кўчма Қизил Байроғини таъсис этиш тавсия қилинсин.

Кўчма Қизил Байроқни бериш вақтида пахта териш ва тайёрлашда намуна кўрсатган илғор колхозларни, МТС ва совхозларнинг ишчиларини мукофотлаш учун районга 3 минг сўм пул топширилсин.

3. Республикадаги пахта тайёрлаш, сақлаш ва уни қайта ишлашни энг яхши ташкил этишни таъминлаган, халқ хўжалиги кенгашига бериш учун Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи таъсис қилинсин.

Байроқлар 10 кунда бир марта бериб борилсин.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг байроғини бериш вақтида область партия комитети биринчи секретари, область ижроия комитетининг раиси, область комсомол комитетининг биринчи секретари, область кишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи ва халқ хўжалиги кенгаши раисининг фамилиялари кўрсатилсин.

Область байроғини районга бериш вақтида район партия комитетининг биринчи секретари, район ижроия комитетининг раиси, район комсомол комитетининг секретари, МТС директорининг фамилиялари кўрсатилсин.

4. Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги билан кишлоқ хўжалик ва тайёрлаш ходимлари касаба союзи республика комитетининг пахта тайёрлаш суръати ва топширилаётган пахтанинг сифати жиҳатидан энг яхши кўрсатгичларга эришаётган илғор пахтачилик совхозига бериш учун Ўзбекистон ССР Кишлоқ хўжалик министрлиги билан кишлоқ хўжалик ва тайёрлаш ходимлари касаба союзининг кўчма Қизил Байроғини таъсис этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

5. Пахта тайёрлаш планини 7 ноябргача бажарган колхоз ва совхозларга мукофот тарикасида юк машинаси ҳамда Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан ташаккурнома топширилади.

6. 7 ноябргача планни бажарган районлар битта енгил автомашинаси ва пахта териш ва тайёрлашни ташкил этишда намуна кўрсатган ходимларни мукофотлаш учун 50 минг сўм пул билан мукофотланади.

7. 7 ноябргача 7 минг, 10 минг килограмм ва бундан ошириб пахта терган колхозчилар ҳамда совхозларнинг ишчилари Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари, давлат маблағлари ҳисобига, шунингдек колхоз ва совхозлар ажратадиган маблағлар ҳисобига қимматли совғалар билан мукофотланади.

8. Республика, область ва район газеталарининг саҳифаларида, радио, телевидение, кино орқали пахта териш ва тайёрлаш кундаликларини ҳар куни босиб бериш ва эшиттириб бериш ташкил этилсин. Энг яхши кишиларнинг портретлари, очерклар, рақобатларнинг ва пахта тайёрлаш илғорларининг мақолалари эълон қилиб борилсин.

9. Республика, область ва район газеталарида Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллиги шарафига олиб борилаётган социалистик мусобақа илғорлари учун ҳурмат тахтаси ташкил этилсин.

Ҳурмат тахтасига областлар, районлар, совхозлар, колхозлар, бригадалар, звенолар, энг яхши теримчилар, пахта териш машиналарининг энг яхши ҳайдовчилари ва бошқа ходимлар ёзилсин.

10. Республика газеталарида областлар бўйича пахта тайёрлаш тўғрисидаги маълумотлар йиллик планга нисбатан процент ҳисобида ҳар куни эълон қилиб борилсин.

Ҳар беш кунда районлар бўйича маълумотлар эълон қилинсин.

Область газеталарида ҳар куни районлар бўйича маълумотлар, ҳар беш кунда эса колхозлар бўйича маълумотлар эълон қилиб борилсин.

Район газеталарида ҳар куни колхозлар бўйича ва ҳар беш кунда бригадалар бўйича маълумотлар эълон қилиб борилсин.

Колхозлар ва бригадалар бўйича маълумотлар олинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши юзасидан эълон қилинсин.

11. Мусобақадош областлар ўртасида социалистик мусобақанинг бориши республика газеталарида системали равишда ёритиб борилсин.

12. Пахта тайёрлаш давлат планини бажарган районларга Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг табрикномалари юборилсин.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Ўртоқ А. Ф. Горкинни Ленин ордени билан мукофотлаш тўғрисида

СССР Олий Судининг Раиси Ўртоқ А. Ф. Горкин туғилган кунинг олтмиш йиллиги муносабати билан ва унинг Совет давлати олдида қилган хизматларини тақдирлаб, Ўртоқ Александр Федорович **Горкин Ленин** ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1957 йил 4 сентябрь.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетидан

Ўзбекистон ССР Олий совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети Ўзбекистон музика санъатининг йирик арбобларидан бири, ЎзССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати Толибжон Содиқовнинг узоқ ва оғир касалликдан кейин 1957 йил 5 сентябрда вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қиладилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети V Пленумининг қарори

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг „СССРда уй-жой қурилишини ривожлантириш тўғрисида“ги қарори ва Ўзбекистон ССРда уй-жой қурилишини кенгайтириш соҳасида Ўзбекистон партия ташкилотининг вазифалари

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

а) яқин вақт ичида барча қурилиш ташкилотларида ўз ишлаб чиқариш базалари вужудга келтирилсин, қурилишнинг индустриал методлари кенг жорий қилинсин, қурилиш ишлари йиғма темир-бетон конструкциялари ва деталлари, дурадгорлик буюмлари ва бошқа буюмлар билан тўла таъминлансин. 1958 йил учун бир миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари ҳисобига қамида 120 кубометр йиғма темир-бетон ва бетон конструкциялари ишлатиш белгилансин. Қурилиш машиналари, механизмлари ва транспортини ремонт қиладиган ва уларга хизмат кўрсатадиган корхоналар, шунингдек қурувчиларнинг ўз эҳтиёжини қондирадиган миқдорда уй-жой қиноларн қурилсин.

Қурилиш ишларини кенгроқ механизациялаштириш учун Ўзбекистон ССР Госпланига, халқ хўжалиги кенгашларига 1958-1959 йилларда республика корхоналарида зарур миқдорда қурилиш механизмлари, асбоб-ускуналари ва қурилиш инструментлари ишлаб чиқаришни кўзда тутиш топширилсин;

б) Қурилишга ташкилий-техникавий раҳбарлик савияси оширилсин, бу раҳбарлик олдидан ишлаб чиқилган ишни ўюштириш проектлари ва графиклари бўйича олиб борилсин; қурилишнинг индустриал методлари ва илғор технология қунт билан жорий этилсин; ишларни комплекс механизациялаштириш топшириқларининг бажарилишига эришилсин; машина ва механизмлардан самарали фойдаланилсин, меҳнат интизоми қатъиян мустаҳкамлансин, бекор туришларга йўл қўйилмасин, штурмчилик битирилсин, меҳнатни ташкил қилишнинг илғор методлари—комплекс хўжалик ҳисобида ишловчи бригадалар, ишчиларнинг ҳақига объектлар бўйича бир йўла ҳак тўлаш кенг жорий этилсин.

8. Область ва шаҳар партия комитетларига, область ва шаҳар ижроия комитетларига, халқ хўжалиги кенгашларига, министрликларга, бошқармаларга ва қурилиш ташкилотларининг раҳбарларига қурилиш материаллари ва қурилиш ишлари сифатини тўғри ҳисобласт ва ишлаб чиқариш тадбирларини кўриш мажбурияти юклатилсин. Битмаган, қурилиш ва пардозлаш ишлари сифатсиз ўтказилган уйларни фойдаланишга топшириш ҳаки ярамас практика ғўҳатилсин. Қурилиш ташкилотларига стандартларнинг талабларига ва техника шартларига жавоб бермайдиган қурилиш материалларини қабул қилиб олиш ва улардан фойдаланиш манъ этилсин.

9. Халқ хўжалиги кенгашларига, махсус банкларга, Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига, корхоналар ва қурилиш ташкилотларининг раҳбарларига қурилиш материалларини, иш қаҳи фондини ортиқча сарфлаш ҳолларини битириш ҳамда ваҳоларда ҳар қандай қўшиб ёзишларни ва ўтирикларни тугатиш чораларини кўриш мажбурияти юклатилсин. Қурилиш ташкилотларининг раҳбарлари қурилишларда хўжалик ҳисобини кенгроқ жорий этиш тадбирларини ишлаб чиқсинлар.

Прокуратура ва юстиция органларига социалистик мулкни талон-торож қилишга қарши курашни кучайтириш топширилсин.

10. Область, шаҳар, район партия комитетларига ва қурилиш ташкилотларининг раҳбарларига республикадаги қурилишларда малакали ишчиларнинг доимий кадрларини вужудга келтириш, қурилишларда кадрларнинг қўнимсизлигини тугатиш тадбирларини кўриш таклиф қилинсин. Ҳисобдансиякн, меҳнат резервлари мактаблари қурилишни малакали ишчи кадрлар билан тўлдирувчи энг муҳим манба ҳисобланади, шу муносабат билан қурилиш мактабларининг тармоғи анча кенгайтирилиб, уларда ўқиш муддатлари узайтирилсин. Қурилиш ташкилотлари ҳузурида ишчилар, бригадирлар, усталарнинг малакасини ошириш юзасидан ўқув комбинатлари тармоғи кенгайтирилсин.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети бюросига ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советига республикада бинокор инженер ва техникларни тайёрлашни яхшилаш ва кенгайтириш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқиш, қурилишларга 2000 коммунистни ва 5000 комсомолни юбориш масаласини қараб чиқиш, шунингдек министрликлар, бошқармалар, корхоналар ва проектлаш ташкилотларидан бўшатиб олиш ҳисобига инженер-техник ходимларини қурилишларга юбориш масаласини қараб чиқиш вазифаси топширилсин.

Республикада қурилиш ва архитектура проблемалари билан шуғулланадиган ягона илмий-текшириш маркази йўқлиги муносабати билан Ўзбекистон КП Марказий Комитети бюросига Ўзбекистонда СССР Қурилиш ва архитектура академиясининг филиалини тузиш масаласини қараб чиқиш топширилсин.

11. Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ижроия комитетларига, халқ хўжалиги кенгашларига ва Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлигига 1958 йилда область марказларида ҳамда йирик шаҳарларда янги тежамли типовой проектлар бўйича қўргазма учун уй қуришни амалга ошириш мажбурияти юклатилсин. Бу уйлар ўз сифати, шинамлиги, планировкаси ва конструкциясининг ҳал этилиши эътибори билан давлат йўли билан, якка тартибда ва колхозларда уй-жой қуриш учун яқин 3-5 йил давомида намуна бўлиб хизмат қилсин.

12. Область ва шаҳар партия комитетларига, халқ хўжалиги кенгашлари, министрликлар, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, меҳнаткашлар депутатлари области ва шаҳар Советлари ижроқомлари раҳбарларига саноат корхоналари кучи билан ҳамда ишчи ва хизматчиларнинг иштироки билан уй-жой қуришни кенг ривожлантириш: уй қуришда ишчи ва хизматчиларга бутун чоралар билан кўмаклашиш, бунинг учун Горький шаҳридаги саноат корхоналари ва ташкилотларнинг ижодий тажрибасидан фойдаланиш мажбурияти юклатилсин.

Ишчи ва хизматчиларга якка тартибда уй-жой қурилишини ташкил этиш учун масъулият корхона ва ташкилот раҳбарларининг зиммасига юклатилсин. Якка тартибда қурилаётган уйлардан иборат поселкаларнинг территорияларида йўл, инженерлик коммуникацияларн ва электр таъминоти линиялари қуриш якка тартибда уй қураётган кишилар ишловчи корхона ва ташкилотлар ҳисобига, уларнинг ўзи шу ишларни бажаришга жалб этилгани ҳолда амалга оширилиши керак.

Корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари якка тартибда уй қурувчиларни қурилиш материаллари, қурилиш деталлари, дурадгорлик ва скоба буюмлари ҳамда санитария-техника асбоб-ускуналари билан таъминласинлар ва уларга транспорт билан ёрдам берсинлар.

Халқ хўжалиги кенгашлари, министрликлар ва меҳнаткашлар депутатларининг маҳаллий Советларига уй-жой, маданий-маиший ва коммунал қурилиш учун зарур бўлган материалларни, деталларни, буюмларни ва асбоб-ускуналарни белгиланган пландан ташқари тайёрлаш мақсадида ўз қарамоғларидаги корхоналарнинг қуввватидан тўлароқ фойдаланиш вазифаси топширилсин. Маҳаллий ташаббускорликдан фойдаланиш тартибида пландан ташқари тайёрланган қурилиш материаллари, деталлар, буюмлар ва асбоб-ускуналар биринчи галда уй-жой, маданий-маиший ва коммунал қурилиш эҳтиёжларига юборилмоғи керак.

Область ва шаҳар ижроия комитетлари 3-5 йил мобайнида поселкалар сифатида якка тартибда уй-жой қуриш учун корхоналарга ва ташкилотларга ер участкаларн ажратиб берсинлар.

13. Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги министрлиги, Ўзбекистон ССР Автотранспорт ва тош йўллар министрлигига, оближрокомлар билан биргаликда колхозлар учун улар билан тузилган шартнома асосида ер ишлари ва қурилиш-монтаж ишлари бажариб бериш юзасидан машина-трактор, машина-йўл станцияларига ва қурилиш ташкилотларига йиллик топшириқлар белгилаш мажбурияти юклатилсин.

14. Партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларининг эътибори шунга жалб этилсинки, Ўзбекистоннинг ўрмонсиз шароитида қурилиш эҳтиёжлари учун дарахтлар ўстириш жуда катта халқ хўжалиги аҳамиятига эга ва уларга илғор колхозларнинг бу соҳадаги тажрибасини кенг ёйиш мажбурияти юклатилсин. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш йиллик планларида қурилишда фойдаланиладиган ёғоч-тахта олиш учун зарур миқдорда дарахтлар ўтказиш ва дарахтзорлар барпо этиш кўзда тутилсин.

Область партия комитетлари ва область ижроия комитетларига, район партия комитетлари ва район ижроия комитетларига уйларни ва хўжалик биноларини хом гишт, пахса, қамишит буюмлар ҳамда черепицадан қуриш соҳасида Ўзбек халқининг традициясида шаклланган тажрибадан кенг фойдаланиш таклиф этилсин.

15. Қурилиш материаллари ва буюмлари ишлаб чиқаришни кескин кўпайтириш республикада уй-жой қурилишини янада ривожлантиришнинг энг муҳим шартларидан бири эканлигини ҳисобга олиб, Пленум Ўзбекистон КП Марказий Комитети бюросига ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советига 1958-1960 йилларда халқ хўжалиги кенгашлари, область ижроия комитетлари, министрликлар ва бошқармалар, шунингдек, колхозлар қурилиш материаллари ишлаб чиқарадиган янги корхоналар қуришни ва мавжуд корхоналарни реконструкция қилишни кўзда тутиш вазифасини топширади. Токи деворбоп материаллар ишлаб чиқариш 1960 йилга бориб шартли ғишт ҳисобида 1580 миллион донага ва йиғма темир-бетон буюмлар ишлаб чиқариш 440 минг кубометрга етказилсин, томга ёпиладиган материаллар, оҳак, қум-шағал материаллар, ганч, хом ғишт, қамишит ва бошқа буюмлар ишлаб чиқариш давлат йўли билан, якка тартибда ва қишлоқда олиб борилаётган қурилиш эҳтиёжларини тўла таъминлайдиган даражада анча кенгайтирилсин.

1960 йилда цемент ишлаб чиқариш 1755 минг тоннага етказилсин. Мавжуд цемент заводлари реконструкция қилинсин ва 1958 йилда Оҳангарон шаҳрида йиллига 900 минг тонна цемент берадиган янги заводни қуриш бошлаб юборилсин, шунингдек 1958 йилда колхозларнинг ва манфаатдор ташкилотларнинг маблағларини тортиш ҳисобига ҳар бири 100-120 минг тонна цемент берадиган иккита завод қуриш кўзда тутилсин.

Ўз маблағларига кичик цемент заводлари қуриш юзасидан колхозлар, Ўзбекистон ҳунармандчилик кооперацияси Совети, «Ўзбекбирлашув», «Главголодностепстрой», Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги министрлиги бошлаган ташаббус маъқуллансин. Обкомлар, оближрокомлар, министрликлар ва бошқармаларга шу масала юзасидан ўз таклифларини 2 ой муддат ичида Ўзбекистон КП Марказий Комитети бюроси ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети муҳокамасига ҳавола қилиш мажбурияти юклатилсин.

Республика шаҳарларида ва қишлоқларида якка тартибда уй-жой қуришни кенг ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон ССР Министрлар Советига ҳаҳолига цемент, ёғоч-тахта, ойна, томга ёпиладиган материаллар, уйлар учун маҳаллий бинокорлик материалларидан ясалган деворбоп деталлар комплекти, дурадгорлик ва бошқа буюмлар сотишни кенгроқ мақсада ташкил этиш вазифаси топширилсин.

16. Халқ хўжалиги кенгашлари, министрликлар, маҳаллий Советларнинг ижроқомларига ҳяки йил мобайнида эҳтиёж ҳолатидаги бутун уй-жой фондини капитал — қайта тиклаш ремонтидан чиқаришни гуллаш ҳамда келгусида уйларни планли тартибда ҳар йили капитал ремонт қилиб бориш ва шаҳарларни ҳамда ишчи посёлкаларини ободонлаштириш ишларини амалга ошириш мажбурияти юклатилсин.

17. Область, шаҳар ва район партия комитетларига уй-жой қурилишига раҳбарликни кучайтириш, қурилишлардаги бошланғич партия ташкилотларининг ишини яхшилаш, уларни мустаҳкамлаш, уй-жой қурилиши планини бажаришда, меҳнатни ташкил этиш ва бинокор кадрларни ўқитиш, қурилиш ишларини механизациялаштириш, қурилиш материалларидан тўғри ва тежамли фойдаланиш масалаларида, қурувчиларнинг уй-жой-маиший шароитларини, уларга маданий хизмат кўрсатишни яхшилаш ҳамда ишчилар ўртасидаги қўнимсизликни кескин камайтириш соҳасида бу ташкилотларнинг ролини ошириш юзасидан зарур чоралар кўриш мажбурияти юклатилсин.

Уй-жой майдонини фойдаланишга топшириш планларини тўла ва ортиғи билан бажариш учун коллективларнинг социалистик мусобақаси уюштирилсин. Уй-жой қурилиши юзасидан социалистик мусобақада голиб чиққанларга бериш учун Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил Байроғи таъсис этилсин ҳамда биринчи, иккинчи ва учинчи пул мукофотлари белгилансин.

18. Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг Пленуми ҳисоблайдики, ҳозирги вақтда уй-жой қурилишини янада ривожлантириш республикадаги барча партия, совет, касаба сеюз, комсомол ва хўжалик ташкилотларининг энг муҳим вазифаларидан бирдир ҳамда уларни уй-жой қурилишини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган барча масалаларни ўз вақтида конкрет ҳал қилишни. Партия ва Ҳукуматнинг уй-жой етишмовчилигини битириш тўғрисидаги топшириқларини муддатидан олдин бажаришга эришмоқ учун корхоналарнинг коллективларини уй қуришга актив жалб этишни, уларнинг ижодий куч-ғайратларини, резервларни қидириб топиш ва бу резервлардан уй-жой қурилишида максимал фойдаланишга йўналтириб туришни талаб қилади.

* * *

Марказий Комитет Пленуми қатъий ишонч билдирадики, КПСС Марказий Комитети товарагига маҳкам жипслашган Ўзбекистон Компартияси уй-жой қурилишини ривожлантириш юзасидан Партия ва Ҳукумат республикамиз олдига қўйган катта ва масъулиятли вазифани уддасидан муваффақиятли чиқади.

1957 йилдаги пахта ҳосилини териб олиш ва тайёрлаш тўғрисида

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети V Пленумининг қарори

Колхозлар, совхозлар ва МТСлар олинган социалистик мажбуриятларини бажариш учун курашиб, қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг меҳнат ва сиёсий активлигининг ўсиши ҳамда агротехниканинг янги усулларини янада жорий этиш асосида, КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг ҳар тарафлама берган ёрдами билан пахтадан ва бошқа экинлардан юқори ҳосил етиштириш ҳамда чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш соҳасида катта ишларни қилдилар.

Бу йилги ҳосил учун салкам бир миллион гектар майдонда кузги шудгор сифатли ўтказилган, экишга қадар далаларга 8,5 миллион тонна маҳаллий ўғит ташиб чиқарилган, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва суғориш тармоқларини вегетация давридаги суғоришга тайёрлаш ишлари кенгроқ ҳажмда ўтказилган, МТС ва совхозларнинг трактор парки, колхозлардаги иш ҳайвонлари ва қишлоқ хўжалик асбобларини ўз вақтида тахт қилиб қўйилди. Бу, кўкламги дала ишларини ва чигит экишни энг яхши муддатларда ҳамда анча уюшқоқлик билан ўтказиш имконини берди. Талайгина майдонларда чигит экиш шудгорни қайта ҳайдамасдан, айни вақтда органик минерал ўғитлар солиш йўли билан ўтказилди. 1956 йилдагига нисбатан 110 минг гектар кўп майдонга квадрат-уялаб чигит экилди, Суғориладиган ерлардан тўлароқ фойдаланиш, чигит экилган майдонларда гектарлар тўла бўлишини таъминлаш ва ғўза тупларининг зарур миқдордаги қалинликда бўлишига эришиш юзасидан катта ишлар қилинди. Колхозлар, совхозлар ва МТСлар ёз даврида ғўзаларни парвариш қилишни қизғин олиб бориб, ноқулай об-ҳаво шароити туфайли ғўзанинг ривожланишида вужудга келган қолоқликни анчагина битира олдилар. Мавжуд сув ресурсларидан тўла фойдаланиш ва янги суғориш манбаларини қидириб топиш юзасидан катта иш қилинди. Қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши кураш ўюшқоқлик билан ўтказилди. Минерал ўғитлардан самарали фойдаланилди.

Буларнинг ҳаммаси асосий пахта майдонларида давлатга 3 миллион тонна пахта топшириш юзасидан қабул қилинган социалистик мажбуриятнинг бажарилишини таъминлайдиган даражада мўл ҳосил етиштириш имкониятини берди.

Шу билан бирга умуман республика бўйича ривожланишдан орқада қолаётган салкам 300 минг гектар ғўза бор.

Шунинг учун Марказий Комитет Пленуми ҳисоблайдики, область ва район партия ташкилотлари, қишлоқ хўжалик органлари, МТС, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ҳосилни териб олиш билан бир қаторда қолоқ участкалардаги ғўзаларни парвариш қилишни давом эттиришлари керак. Токи сентябрь ойидаги қулай об-ҳаво шароитларидан фойдаланиб кўшимча миқдорда ҳосил тўплаб олинсин.

Республика партия, совет, қишлоқ хўжалик органлари, Халқ хўжалиги кенгашлари, совхозлари ва МТСларнинг ҳозирги асосий вазифаси шундан иборатки, улар Улуғ Октябрнинг 40 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақани авж олдириш асосида ишни етиштирилган бутун ҳосилни қисқа муддатда нобуд қилмай териб олиб, давлатга топширишни таъминлайдиган қилиб уюштирмоқлари керак.

Область ва район партия комитетлари, область ва район ижроия комитетлари, қишлоқ хўжалик органлари, колхоз, МТС ва совхозларнинг раҳбарлари терим ишларини ташкил этган вақтда ўтган йилги хатоларнинг такрорланишига йўл қўймасликлари керак, бу хатолар ўтган йили пахта тайёрлашнинг нормал боришини ялпи чиқарган эди.

Бу хатолар шундан иборат бўлдики, кўпгина колхоз ва совхозлар пахта теримига кеч тушдилар, зарур сонда теримчиларни пахта теришга жалб этмадилар, автомобиль ва отарава транспортидан ёмон фойдаландилар, пул маблағлари ва материалларни сарфлашда ортиқчаликларга йўл қўйиб, пахтанинг таннархини ошириб юбордилар, пахта териш машиналаридан ёмон фойдаландилар, нобудгарчиликка, пахтани сифатсиз ва хом теришга йўл қўйдилар. Терим даврида теримчиларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш қониқарсиз уюштирилди. Жамоат овқатланишини ташкил этишда ва болалар боғча, яслилари ишида жиддий камчиликлар содир бўлди.

Пленум шуни қайд қиладики, Қишлоқ хўжалик министрликларининг, кўпгина область, район партия ва совет ташкилотлари ҳамда халқ хўжалиги кенгашларининг қониқарсиз ишлаётганликлари орқасида колхоз, МТС ва совхозларда барча зарур тайёргарлик ишлари шу тоққача тамомланмаган: хирмонлар қуриш ва ремонт қилиш суст олиб борилмоқда, транспорт ва йўллар тўла тахт қилиб қўйилмаган, сарой ва айвонлар қуриш тугалланмаган, янги пахта сушилкалари қуриш ва эскиларини ремонт қилиш ёмон олиб борилмоқда, дала шийпонлари тўла жиҳозлантирилмаган, далалар боғча ва яслилари кўп жойда очилмаган, тайёрлов пунктларини тахт қилиш ҳамда пахта тозалаш заводларининг ремонти тугалланмаган.

Марказий Комитет Пленуми, Қишлоқ хўжалик министрлиги ва унинг жойлардаги органлари пахтани машина билан теришга қониқарсиз тайёргарлик кўрмоқдалар, деб ҳисоблайди. Кўпгина МТС ва совхозларнинг директорлари партия ва совет ташкилотлари йўл қўйиб бергани ҳолда бу муҳим ишда масъулиятсизлик кўрсатмоқдалар, бунинг оқибатида 4 мингдан ортиқ пахта териш машинаси, 4500 кўсак чувиш машинаси ҳалигача тахт қилинмаган, терим олдидан ғўза баргини тўктириш учун зарур бўлган дориворлар кўп колхозларга ташиб келтирилмаган, машина терими учун участкалар ажратиш тамомланмаган.

Пленум, Республика Савдо министрлиги, «Ўзбекбирлашув», Соғлиқни сақлаш министрлиги ва Маданият министрлигининг пахта теришдаги ишларини қониқарсиз эканлигини қайд қилади.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг Пленуми **қарор қилади:**

1. Пахта териб олиш ва тайёрлашни ғоятда уюшқоқлик билан ташкил этишни таъминлаш, пахта тайёрлаш давлат планини, умуман республика бўйича шу йил 7 ноябрга — Улуғ Октябрнинг 40 йиллиги кунигача бажариш республикадаги бутун партия ташкилотларининг, колхозлар, МТСлар ва совхозлар, тайёрлов ва қишлоқ хўжалик органлари ҳамда халқ хўжалиги кенгашларининг асосий халқ хўжалик вазифаси деб ҳисобласин.

Шуни назарда тутиб, республика бўйича 1 октябрга кам деганда 1300 минг тонна, октябрь ойида 1400 минг тонна, ноябрь ойида олган ҳосилнинг ҳаммаси териб олиб давлатга топширилсин ва Ватанга 3 миллион тонна пахта бериш юзасидан олинган мажбурият бажарилсин.

Шу жумладан областлар бўйича давлатга топширилсин (минг тонна қуйидаги миқдорда пахта териб олиб ҳисобида):

	1 октябрга	Октябрда	Ноябрда
Тошкент области бўйича	180	250	45
Фарғона области бўйича	150	210	50
Наманган области бўйича	150	140	22
Андижон области бўйича	200	200	55
Самарқанд области бўйича	150	150	46
Бухоро области бўйича	140	120	20
Қашқадарё области бўйича	80	41	—
Сурхондарё области бўйича	100	100	10
Хоразм области бўйича	90	110	35
Қорақалпоғистон АССР бўйича	60	90	26

Қишлоқ хўжалик министрлиги, область ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетларига бу топшириқларни районлар, МТСлар ва колхоз, совхозларга, ҳаробир теримчига ва терим машинасининг механик-ҳайдовчисига дарҳол етказиш мажбурияти юклатилсин.

2. Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг Пленуми юқорида кўрсатилган миқдордаги пахтани териб олиб, топширишни таъминламоқ учун область ва район партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ва район ижроия комитетларига, Қишлоқ хўжалик министрлигига механга қобилиятли колхозчилар, совхоз ишчилари ҳамда қишлоқ жойлардаги район марказларида ишловчи аҳолидан республика бўйича камида 1230 минг кишини, шу жумладан Тошкент области бўйича 178 минг, Фарғона области бўйича 170 минг, Наманган области бўйича 130 минг, Андижон области бўйича 174 минг, Самарқанд области бўйича 142 минг, Бухоро области бўйича 118 минг, Қашқадарё области бўйича 61 минг, Сурхондарё области бўйича 91 минг, Хоразм области бўйича 92 минг, Қорақалпоғистон АССР бўйича 74 минг кишини бевосита пахта теримига жалб этиш мажбуриятини юклайди.

3. Қишлоқ хўжалик министрлигига, область ва район партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ва район, ижроия комитетларига, Тошкент, Фарғона, Самарқанд, ва Қорақалпоғистон халқ хўжалиги кенгашларига терим графигини бажариш учун зарур қўлган сонлаги теримчиларни теримга чиқариш юзасидан ҳар бир колхоз ва совхоз бўйича топшириқларни тасдиқлаш, бу топшириқларнинг бажарилиши устидан контроллик ўрнатиш, шунингдек барча колхозларни, совхозларни, тайёрлов пунктларн ва пахта заводларини янги ҳосилга тўла тахт қилиб қўйишни тезроқ тугаллаш юзасидан қўшимча тадбирлар кўриш мажбурияти юклатилсин.

4. Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг Пленуми шуни қониқиш билан қайд қиладики, Қорақалпоғистон АССР, Самарқанд, Тошкент, Қашқадарё, Бухоро, Сурхондарё областларн ва республикадаги бошқа областларнинг партия ташкилотлари янги совхозлар ташкил этиш катта хўжалик сиёсий аҳамиятга эга эканлигини тўғри англадилар ҳамда бу ишни уюшқоқлик билан ўтказдилар.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг Пленуми Ўзбекистон ССРда янги совхозларнинг ташкил этилиши Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини ва даставвал унинг етакчи тармоғи бўлган пахтачиликни янада ривожлантириш тўғрисида, қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг моддий фаровонлигини янада яхшилаш ҳақида Коммунистик партия ва Совет ҳукумати кўрсатаётган ғамхўрликнинг янги ифодасидир, деб ҳисоблайди.

Пленум Ўзбекистон КП Марказий Комитетига ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советига, Қишлоқ хўжалик министрлигига ва республикадаги бошқа министрликлар ҳамда бошқармаларга, область ва район партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ва район ижроия комитетларига, Тошкент, Фарғона, Самарқанд, ва Қорақалпоғистон халқ хўжалиги кенгашларига терим графигини бажариш учун зарур қўлган сонлаги теримчиларни теримга чиқариш юзасидан ҳар бир колхоз ва совхоз бўйича топшириқларни тасдиқлаш, бу топшириқларнинг бажарилиши устидан контроллик ўрнатиш, шунингдек барча колхозларни, совхозларни, тайёрлов пунктлари ва пахта заводларини янги ҳосилга тўла тахт қилиб қўйишни тезроқ тугаллаш юзасидан қўшимча тадбирлар кўриш мажбурияти юклатилсин.

5. Теримчиларнинг юқори унумдорлик билан ишламоғини таъминлаш учун колхозларга ва совхозларнинг раҳбарларига қуйидагилар тавсия этилсин:

а) ҳар бир колхоз ва совхозда пахта терими, уни давлатга топшириш графиги, меҳнатга ҳақ тўлаш тартиби ва юқори унумдорлик билан ишлаганлик, юқори сифатли пахта терганлик, пахта териш, топшириш ва ташишда нобудгарчиликка йўл қўймаганлик ва хом пахта термаганлик учун рағбатлантириш тадбирлари ишлаб чиқилсин;

б) терим бригадалар бўйича ўюштирилиб, терилган пахта звеналар бўйича ҳисоба олинсин;

в) кунлик терим нормалари пахтанинг очилишига қараб тўғри белгилансин;

г) ҳар бир теримчи учун 3-5 тонна миқдорида пахта териш юзасидан табакалаштирилган мавсум нормалари белгилансин;

д) пахта теримига ажратилган барча колхозчилар ва совхоз ишчилари белгиланган топшириқларни тўла бажаришлари учун белгиланган мавсум ва кунлик терим нормаларининг бажарилиши устидан контроллик таъминлансин. Пахта териш кампанияси даврида меҳнат ресурслари, пул ва материал маблағларидан тўғри ва тежамли фойдаланишга, шунингдек автомобиль ва от-арава транспортининг ишини жуда яхши уюштиришга алоҳида эътибор берилсин.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигига илғор колхозларда теримчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлашни уюштириш тажрибасига амал қилиб, бу масала юзасидан барча колхозларга билдириш вазифаси топширилсин.

6. Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг Пленуми кўп минг килограммчилар ҳаракати негизида бутун пахта ҳосилини жуда тез ва нобуд қилмасдан териб олишнинг бениҳоя катта резервлари ётганлигини назарда тутиб, теримчилар ўртасида мавсумда 7-10-15 минг килограмм ва бундан ҳам ошириб пахта териш учун бошланган ҳаракатни бутун чоралар билан қўллаб-қувватлаш ҳамда ёйиш — колхоз, совхоз ва МТС бошланғич партия ва комсомол ташкилотларининг жуда муҳим вазифасидир, деб ҳисоблайди. Илғор теримчиларга доимий равишда ғамхўрлик кўрсатилсин ва эътибор берилсин. Уларнинг тажрибаси ёйилсин.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг Пленуми ҳисоблайдики, колхоз ва совхозлардаги коммунистлар ва комсомолларнинг кўпчилик қисми бевосита пахта термоқлари, терим нормасини ҳамиша бажармоқлари, кўп минг килограммчилар ҳаракатига бошчилик қилиб, теримчиларнинг олдинги сафларида бўлмоқлари керак.

7. Қишлоқ хўжалик министрлигига, МТС ва совхозларнинг директорларига, область, район партия ва совет ташкилотларига теримни ўз вақтида ўтказиш ҳамда меҳнат сарфини камайтириш мақсадида пахта териш машиналаридан теримда ғоят унумли фойдаланишни таъминлаш ва бу йил машиналарда камида 176 минг тонна, шу жумладан совхозларда 47 минг тонна пахта териб олишга эришиш мажбуриятини юклатилсин.

Пленум Қишлоқ хўжалик министрлигига, МТС ва совхозларнинг директорларига пахта териш ва кўсак чувиш машиналарини тахт қилишни, далаларнинг аҳволи ва ҳосилга қараб машина терими ўтказиладиган майдонларни ажратишни 20 сентябрга тугаллаш мажбуриятини юклайди.

Пахта териш машиналарининг юқори унумдорлик билан сифатли ишлаши учун ғўза баргларини тўкиш талаб қилинишини назарда тутиб, ҳар бир колхозда ва совхозда ҳар бир участкадаги ғўза баргини тўкиш ишларини бошлаш муддатлари табақалаштириб ишлаб чиқилмоғи керак, токи бу тадбир энг яхши муддатларда ва ҳосилга зиён етказилмасдан ўтказилсин.

Қишлоқ хўжалик министрлиги, область ва район партия комитетлари, область ва район ижроия комитетлари, МТС ва совхозларнинг директорлари пахта териш ва кўсак чувиш машиналарига хизмат қилиш, шунингдек ерга тўкилган пахтани ўз вақтида териб олиш учун зарур сонда колхозчилар ва совхоз ишчилари ажратилишини таъминласинлар, машиналар териб олган пахтани тозалаш пунктларига тўхтовсиз ташиб туриш учун транспорт воситалари ажратсинлар.

Максимал ҳар бир горизонтал—шпинделли машинада 90-100 тонна ва вертикал-шпинделли машинада 50-60 тонна пахта териб бериш юзасидан пахта териш машиналарининг механик-ҳайдовчилари ўртасида социалистик мусобақа кенг авж олдирилсин.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «1957 йилда колхоз ва совхозларда машинада пахта теришни ўтказиш тўғрисида» шу йил 27 августдаги қарори маъқуллансин.

8. Партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларига, колхоз, совхоз ва МТС ларнинг раҳбарларига теримнинг дастлабки кунларидаёқ нобудгарчиликка қарши кескин кураш олиб бориш, ҳар бир бригада ва звенода ерга тўкилган ҳамма пахтани ўз вақтида териб олинишини ташкил этиш, пахтанинг молларга пайҳон қилдирилишига, ғўзанинг пасидаги кўсакларнинг чиритиб юборилишига, хом пахта терилишига, шунингдек далалардан хирмонларга ва хирмонлардан гайёрлаш пунктларига пахтани ташилаётганда унинг нобуд қилинишига йўл қўймаслик мажбурияти юклатилсин. Пахта нобудгарчилигига қарши курашга барча меҳнаткашлар, комсомоллар, қишлоқ ёшлари ва мактаб ўқувчилари кенг жалб этилмоғи керак.

9. Пленум талайгина майдонларда ғўзалар ўз ривожида ҳамон орқада қолаётганлигини ҳисобга олиб ҳамда сентябрда об-ҳаво шароитининг қулай келиши ғўза тўғри парвариш қилинса, унинг ҳосил тўплашига имкон беришини назарда тутиб, партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари, колхоз, совхоз ва МТСларнинг раҳбарларига сентябрь ойида ғўзада янада ҳосил тўплаш ишини теримга боғлаб олиб бориш, бунинг учун: ғўзани суғоришни ерни ортиқча намлантиришга йўл қўймай пухта ўтказиш, ётиб қолган ғўза тупларини дарҳол кўтариб қўйиш, тупларни навбатма-навбат ағдариб туриш, ғўзаси ғовлаб кетган далаларда сентябрнинг бошларида барча эркак шохлар ва навдаларни чилпиб ташлаб чўқур чеканка ўтказиш, далаларни бегона ўтлардан батамом ҳали қилиш, коллектор-зовур тармоғини тозалаб қўйиш, пахтазорлар, шолипоялар ва бошқа далалардаги, ариқларнинг сувини коллектор-зовурларга ташланишига йўл қўймаслик мажбуриятини юклайди.

Ғўзаси жуда сер барг бўлиб ўсиб кетган далаларда сентябрь ойининг охирида ҳар тупда 3-4 та кўсак очилгандан кейин химик усулда барглар тўктирилсин.

10. Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг Пленуми сушилка хўжалигини тахт қилиш соҳасида мутлақо қониқарсиз аҳвол юз берганлигини қайд қилиш билан бирга, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, область ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетларидан, МТС, совхоз ва колхоз раҳбарларидан мавжуд барча сушилкаларни шу йил 20 сентябрдан кечиктирмай тахт қилишни талаб қилади.

11. Пленум Савдо министрлиги, «Ўзбекбирлашув», Маданият министрлиги, Соғлиқни сақлаш министрлиги раҳбарларидан пахта теримида ишлаётган теримчилар билан механизаторларнинг юқори унумли ишлашлари учун зарур бўлган барча маданий-маиший шароитларни яратиб бериш, бунда савдо-сотиқни, жамоат овқатланишини ташкил этишни яхшилаш ҳамда болалар боғча ва яслилари тармоғини тезда кенгайтиришга алоҳида эътибор беришни талаб қилинади.

(ДАВОМИ УЧИНЧИ БЕТДА).

1957 йилдаги пахта ҳосилини териб олиш ва тайёрлаш тўғрисида

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети V Пленумининг қарори

(БОШИ ИККИНЧИ БЕТДА)

12. Область ва район партия комитетларига, колхоз, совхоз ва МТС ларнинг бошланғич партия ташкилотларига оммавий-сиёсий ишларни бевосита дала шийпонларида марказлаштириш, етиштирилган бутун ҳосилни сира нобуд қилмасдан тезроқ териб олиб, давлатга топшириш учун кўргазмали агитациянинг барча турлари ва радиодан фойдаланиш мажбурияти юклатилсин.

13. Кўп колхозларда ва совхозларда ем-хашак тайёрлаш ва силос бостириш, чорвачилик бинолари қуриш ва ремонт қилиш ҳамда ем-хашакни чорва қишлайдиган жойларга ташиб келтириш қониқарсиз аҳволда эканлигини қайд қилиб, Марказий Комитет Пленуми партия, совет ва қишлоқ хўжалик органларига, колхоз, совхоз ва МТС ларга пахта териш ва топшириш юзасидан ўз мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш соҳасидаги ишларни қизғин ташкил этиш билан бир қаторда чорвачилик соҳасидаги хўжалик йилини муваффақиятли якунлаш ҳамда ҳар бир область, район, колхоз ва совхоз бўйича қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш ва харид қилиш планларини бутун турлар бўйича муддатидан олдин бажаришга қаратилган қўшимча тадбирлар кўриш мажбуриятини юклайди.

14. Республика ва область газеталарининг редакцияларига, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги Радио ва телевиттириш комитетига энг яхши теримчилар, пахта териш машиналарининг энг яхши ҳайдовчилари тажрибасини ва уларнинг иш методларини матбуот саҳифаларида ҳамда радио орқали кенг ёритиш, айни маҳалда пахта теримини ташкил этишдаги камчилик ва нуқсонларни очиб ташлаш мажбурияти юклатилсин.

* * *

Пленум партия ва ҳукуматнинг пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш юзасидан берган топшириқларини бажариш учун республикада ҳамма имкониятлар бор деб ҳисоблайди ва Ўзбекистон меҳнаткашлари 1957 йилда мамлакатга 3 миллион тонна пахта бериш юзасидан олган мажбуриятларини бажаришга бутун кучларини сарфлайдилар, деб қаттиқ ишонч билдиради.

Ўзбекистон олимлари ядро қуролини тақиқлашни талаб этмоқдалар

Ўзбекистон олимлари атом уруши хавфига қарши кучли норозилик ҳаракатини уюштиришга чақирган атоқли совет олимларидан бир группасининг баёнотини қизғин маъқулладилар. Ўзбекистон фан арбоблари олимларнинг 5 сентябрда Тошкентда Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлислар залида ўтказилган умум шаҳар йиғилишида ана шу ҳужжатни қўллаб-қувватлагانликлари ҳақида якдиллик билан гапирдилар.

В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё давлат университетининг ректори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Т. А. Саримсоқов олимларнинг ташаббускор группаси топшириғига мувофиқ йиғилишни очди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг биринчи вице-президенти **С. В. Стародубцевга** сўз берилади.

— СССР ҳукумати, — дейди нотиқ, — совет халқининг хоҳиш-иродасини ифода этиб, атом қуролини тақиқлашни талаб этди. Аммо Атлантик блокида қатнашувчи мамлакатлар ҳукуматларининг қаршилик кўрсатиши натижасида, ядро қуролларини қоралаш ва тақиқлаш тўғрисидаги масалада шу вақтгача илгарига қараб силжиш бўлгани йўқ. Бундай шароитда атом қуроли билан зўр бериб қуролланишнинг ҳалокатли оқибатларини ҳаммадан кўра яхшироқ билган олимлар зиммасига айниқса масъулиятли роль юкланади.

Ўзбекистон олимлари, деди Ўртоқ Стародубцев, атом урушининг олдини олиш учун олимларнинг халқаро конференциясини чақириш тўғрисида мамлакатимиздаги атоқли олимларнинг таклифларини қўллаб-қувватлайдилар.

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик Фанлари академиясининг президенти **К. З. Зокиров** минбарга чиқади.

Бизнинг асримиз, дейди К. З. Зокиров, ҳақли суратда атом асри деб аталади. Аммо инсониятнинг энг идроклі кишилари атомнинг сирини ажал уруғи ёйиш ва вайронлик келтириш учун билиб олганлари йўқ.

Империалистлар дунёда ишончсизлик ва қўрқув вазиятини вужудга келтиришга уринмоқдалар. Улар атом қуролларини синаб кўриб, кишиларнинг соғлигига хавф туғдирмоқдалар.

Биз, совет кишиларига уруш эмас, балки тинчлик керак. Халқ хўжалигимизни ва маданиятимизни ривожлантириш, коммунистик жамият қуриш учун бизга тинчлик керак. Бизнинг ҳаракатимиз, ер юзидаги барча соф виждонли кишиларнинг ҳаракати тинчлик ва инсоният осойишталигини таъминлашига шубҳа қилмаймиз.

Тошкентдаги тўқимачилик институтининг директори **М. А. Хожинова** сўз олади.

Совет олимларининг бир группаси, деди у ўз баёнотида ядро қуроли синовларининг давом этдирилаётганлиги орқасида инсоният олдида жиддий хавф пайдо бўлганлигига ер юзидаги барча фан арбобларининг эътиборини жалб этди. Бу баёнот ўзбек олимларининг ҳам фикр ва туйғуларини ифода этади.

Барча фан арбобларининг бўрчи тараққиёт йўлида ишлашдан, янги уруш хавфининг олдини олиш учун биргалашиб кураш олиб боришдан иборат.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги **А. Ю. Юнусов** дедики, атом портлашларининг оқибатлари биз, медикларга жуда яхши маълум. Атом ва водород бомбаларининг портлаши сон-саноқсиз қурбонларга, инсоният маданий меросининг вайрон қилинишига олиб келиши мумкин. Шу сабабдан ҳар бир онгли киши ер юзида ҳаётни сақлаб қолиш учун ядро қуроли синовларини тўхтатиш ва уни тамомила тақиқлашга актив суратда эришмоғи керак.

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг академиги Социалистик Меҳнат Қаҳрамони **Н. М. Маннонов** ўзларининг бутун кучларини тинч ижодий меҳнатга бағишлаган совет олимларининг олижаноб интилишлари тўғрисида гапирди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси **В. П. Шчеглов** бундай дейди: совет кишилари КПСС XX съездининг тарихий қарорларини амалга оширар экан, атом энергиясидан тинчлик мақсадларида тобора кенгроқ миқёсда фойдаланмоқдалар.

Биз барча совет олимлари билан биргаликда ҳамма мамлакатлардаги фан арбобларини атом уруши хавфининг олдини олишга қатъий эришишга чақирамиз. Олимларнинг садоси инсоннят тараққиётини қадрлаётган барча кишиларни тинчлик учун, ядро ва водород қуроллари синовларини тўхтатиш учун ва бу қуролларни тамомила тақиқлаш учун изчиллик билан актив кураш олиб боришга илҳомлантирсин.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси физика-техника институтининг аспиранти **А. Р. Ниёзова** ёш олимлар номидан мажлис қатнашчиларига қарата нутқ сўзлайди. У ёшларнинг тинчликка астойдил интилаётганликлари ҳақида гапиради.

Тошкент медицина институтининг директори **А. F. Ғуломов** атом қуролининг ҳалокатли кучга эга эканлиги тўғрисида ва бу қуролни тақиқлаш зарурлиги ҳақида гапиради. У атоқли совет олимларидан бир группасининг баёнотини маъқуллаб, бу ҳужжатнинг халқаро миқёсда катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлайди ва атом урушига қарши чиқаётган олимларнинг халқаро конференциясини чақириш тўғрисида совет фани арбобларининг кўрсатган ташаббусининг муҳим эканлигини уқтириб ўтади.

Умум шаҳар йиғилишнинг қатнашчилари якдиллик билан қарор қабул қилдилар.

СССР ҳукумати, дейилади қарорда, совет халқининг хоҳиш-иродасини изҳор қилиб, ўн йилдан кўпроқ вақт илгари атом қуролини тақиқлашни талаб этган эди ва эндиликда ҳам атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш учун, ядро қуроли синовларини тўхтатиш учун, қуролсизланиш учун, тинчлик ва ер юзидаги халқларнинг хавфсизлиги учун курашни сабот билан давом этдирмоқда. Ватанимизнинг жўшқин ва қудратли чақириғи дунёнинг барча мамлакатларидаги кишиларнинг онги ва қалбида тобора чуқур жой олмоқда.

Қарорда бундай дейилади: Ўзбекистон олимлари мамлакатдаги атоқли олимларнинг фикрига қўшилиб, тинчликни ҳимоя қилиш Совет комитети атом уруши хавфининг олдини олиш юзасидан олимларнинг халқаро конференциясини чақириш ташаббускори бўлсин, деган таклифни якдиллик билан қўллаб-қувватлайдилар. (ЎзТАГ).

ОБЛАСТИМИЗНИНГ ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚЛАРИДА

Ўрта Чирчиқ районидаги 1-МТСнинг «Ҳақиқат» колхозида хизмат қилаётган механизаторлари ғўзаси ривожланишдан орқада қолган, сув камчил бўлган айрим участкалардаги ғўзаларни суғоришда колхозчиларга амалий ёрдам бермоқдалар. Суратда: моторист Ўртоқ Каромат Салтаев «Андижанец» насосини ўрнатмоқда.

Тошкентдаги каноп йигирув-тўқув фабрикасининг коллективи ўртасида Улуғ Октябрнинг шонли 40 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақа тобора кенг қулоч ёймоқда. Илғор тўқувчи Раҳима Ҳошимова шу кунгача пландан ташқари 3 минг метрдан ортиқ газмол тўқиди. Суратда: Раҳима Ҳошимова иш устида.

Ўзбекистон чорвачилик илмий-текшириш институтининг емхашак етиштириш бўлими илмий ходимлари «Красний водопад» тажриба станциясида иш олиб бориб жўхорининг янги, серҳосил сортини чиқардилар. Суратда: старший илмий ходим С. К. Кадамов ва агротехник А. В. Крижинская ўртоқлар жўхори ҳосилини кўздан кечирмоқдалар.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

ФЕЛЬЕТОН

Ўйинга тушадиган ҳайкал

Фан-техника соҳасида галати янгиликлар бўлган эмиш, инженерлар электрон «мия» билан ҳаракат қила оладиган, узоқдан туриб бир кнопкани босса, гоҳ у хилда, гоҳ бу хилда ҳаракат қиладиган ўйинчи ҳайкал кашф этган эмишлар.

Ҳар мақомга йўрғалайдиган бунақа ҳайкаланинг кашф этилиши ҳаммадан кўра Юқори Чирчиқ районидаги Жданов номли колхоз раиси Немоил Абдурахмоновга жуда-жуда ёқиб кетди-да, у шу онинг ўзида инженерларга ўйинчи ҳайкал эмас, колхоз раисининг ўрнини боса оладиган аппарат кашф этишни таклиф қилмоқчи бўлди. Агар инженерлар шундай аппаратни кашф этган тақдирда, Абдурахмонов Тошкентда ўтириб, Юқори Чирчиқ районидаги колхозга бемалол раҳбарлик қилаверар эди. Колхозчиларнинг «раис икки йилдан бери ишлаётган бўлса ҳам, бир кун колхозда бўлса, икки кун шаҳарда юради, колхозга кўчиб келмайди», «шаҳар билан колхоз ўртасида тинда қўйган-кўйган» деган таъналаридан ҳам қутулиб қоларди.

Бу тўғрида ўйлар экан, Абдурахмоновнинг кўзларидан қувонч учқунлари сачраб кетди, ширин ва юракни орзиқтирадиган хаёллар қуршаб олди. Ажойиб-гаройиб фикрлар унинг бутун вужучини алгов-далгов қилиб юборди. Чунки, мингта дорнинг тагидан қочган, урилиб-сурилиб, қамалиб юрган, умрида ҳалол меҳнат қилиб кун кўришни ўйламаган Абдурахмонов учун бундай аппарат жуда қўл келар эди. У отилиб чиқиб, колоқ колхозни тузатаман деб қасамёд қилган бўлса ҳам, асли нияти колхозни тузатиш эмас, мўмай даромад манбаига айри миниб олиш эди. Шунинг учун у келгандан бери колхоз ишида заррача ўзгариш бўлмади.

Ҳали электрон мияли ҳайкал раис кашф этилмаган бўлса ҳам, Абдурахмонов бу ҳақда галати тасаввурлар қила бошлайди. Чунончи, мана «ҳайкал раис» колхозда-ю, Абдурахмонов уйда ёнбошлаб ётибди. Қаршисидаги аппарат кнопкаларни навбатма-навбат босиб кўради. Ана бир кнопкани босган эди, колхоздаги «ҳайкал раис» Абдурахмонов ўйлаганича ҳаракат, унинг ўйлаганича муқом қилади ва шох ташлайди, худди ўзига ўхшаб, колхозчиларга дўқ уради, пўписа қилади...

Абдурахмоновнинг чеҳраси очилиб, оғзининг таноби қочиб кетади. Суюнганидан «яша» деб юборади. Энди у бу аппарат билан ердан туриб осмондаги юлдузни уриб олиш мумкин эмасмикан деб ўйлайди. Синаб кўрмоқчи бўлади. Дастлаб у колхозга раис бўлганидан бери қилган ўз кирдикорларининг баъзиларини «ҳайкал раис» орқали такрорлаб кўришга киришади. Шундай қилиб, Абдурахмонов шаҳардаги уйида ўтириб, бир кнопкани босганда колхоздаги электрон мияли «раис» ҳаракатга келади.

1956 йил 5 декабрь. Ҳайкал раис омборчи Бектурсунов билан арпа олиб келамиз деб базага жўнайди. Кейин унга 10 тонна арпа учун берилган доверенностга, «арпани олдим» деб қўл қўйдириб олгач, сен бориб жой ҳозирлаб тур, арпани ўзим олиб бораман деб Бектурсуновни алдаб жўнатиб юборади. Сўнгра эса бу арпани колхозга келтирмай, ўшандан нари нақкас зим-зиё қилиб юборади. Бектурсунов чапагини чалганича қолаверади. Лекин ҳиссиз, туйғусиз «ҳайкал-раис» эса унинг додига сира қулоқ солмайди.

Абдурахмонов яна бир куни аппаратнинг кнопкаларини босиб, кўнгил оча бошлайди. Колхозда яна ўша «ўринбосар» ҳаракатга тушади. У худди Абдурахмоновнинг ўзига ўхшаб, колхоз кассири Эргашбой Қурбонбоевни чақириб, беҳужжат 4500 сўм, колхоз бухгалтерк Эсонбеков орқали 675 сўм, ёрдамчи бухгалтер Жонзоқов орқали кассирдан 505 сўм пул олади ва «кейин ҳисоблашамиз» деб «туя кўрдингми, йўқ» қилиб юборади.

Яна бир куни Абдурахмонов уйида чўзилиб ётганда беихтиёр аппарат кнопкасига қўли тегиб кетади. Шу замони «холис хизматкор» колхоз томонидан «Абдурахмонов колхозга келганда ётиб юрар» деб берилган сим кроватни ва яна бир кўйли Абдурахмоновнинг уйига келтириб ташлайди. Завхоз Ортиқ Беканов бўлса ҳанг-манг бўлганича қолаверади.

Сўнгра, бир куни эрталаб Абдурахмонов уйда пар ёстиққа суяниб нонушта қилиб ўтирганда, аппаратга ҳўл чўзилади. Яхши тўш кўрган эканманми деб ўйлаб турганда, ҳайкал-раис ҳаракатга келиб, ҳаш-паш дегунча колхознинг ЕЛ 47-19 машинасида 4-гишт заводидан олинган, 10 та кўчирма хўжалик учун қурилаётган уйга аталган 1070 дона черепицани Абдурахмоновга, мана хўжайин, деб инъом қилиб кетади.

Қани энди шу аппарат тезроқ ўйлаб чиқарилақолса, чунки беминнат «дастёр»—электрон мияли «раис» Абдурахмоновнинг дидига жуда мос келиб колди. Агар аппарат ҳозир муҳайё бўлиб қолганда эди, Абдурахмонов уйда бемалол ётиб, худди телевизор кўргандай, колхозга раҳбарлик қилаверар эди. «Дастёр» унинг амирини бажо келтириб, истаган нарсасини хоҳлаган вақтда колхоздан пешма-пеш уйига ташиб тураверарди. Абдурахмонов ҳар замонда колхозга бораман деб овора ҳам бўлиб юрмасди. Юк машиналарининг шоферлари колхоз юкини ташиш ўрнига Абдурахмоновнинг шаҳардаги уйига қатнаб сарсон ҳам бўлмасди. Айниқса район ташкилотлари бу аҳволни кўра-билатуриб ғинг демай турганларида Абдурахмоновга бундай аппаратдан фойдаланиш қулай бўлар эди. Шунинг учун у шошиларди, ҳовлиқарди.

Билмадик, инженерлар Абдурахмонов ўйлаганидек электрон миялик ҳайкал раисни қачон кашф этар эканлар? Иш қилиб, унгача тегишли ташкилотлар бошқача аппарат ўйлаб топиб, бошқача хулоса чиқармасалар, Абдурахмоновнинг нони бутун-у, дўпписи яримта, ашуласи ванг деяверинг!

Б. ХАЛИЛОВ.

Деворий ва кўптиражли газета редакторларининг семинари

Яқинда Тошкент шаҳрида ишчи ва деҳқон мухбирларининг республика съезди очилади. Ана шу муносабат билан областимизнинг шаҳар ва қишлоқларида журналистлар билан қўйи матбуот ходимлари ҳамда ишчи ва деҳқон мухбирларининг учрашувлари, семинарлари, ижодий фикр олишувлари ўтказилади.

Кеча ана шундай семинарлардан бири иш бошлади. Тошкент шаҳар Марказий район партия комитетининг ташаббуси билан чақирилган бу семинарда йирик завод, олий ўқув юртларида чиқадиган деворий ҳамда кўп тиражли газеталарнинг редакторлари, область газеталарининг ходимлари, партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари иштирок этаётирлар. Семинар ўтказилаётган бинода 1957 йилда чиққан деворий ва кўптиражли газеталарнинг энг яхши сонларидан виставка ташкил қилинган.

Семинарда «Ташкентская правда» газетаси редакторининг ўринбосари Ўртоқ Сливкин «Деворий газета — оммаанинг минбари», Республикалараро партия мактабида чиқадиган «Перец» газетасининг редактори Ўртоқ Утюшев «Сатирик деворий газетани қандай чиқариш керак», кўптиражли «Мотор» газетасининг редактори Ўртоқ Толкачев (Таштрам) «Мотор» газетаси саҳифаларида горькийликлар методи асосида уй-жой қурилиши масалаларининг ёритилиши», Ўзбекистон рассомлар союзининг аъзоси Ўртоқ Рейх «Газетани болиий жиҳатдан безаш ҳақида», «Ташкентская правда» газетаси масъул секретарининг ўринбосари Ўртоқ Нестеровичнинг «Автор материали устида ишлаш» деган темалардаги докладлари тинглади.

Бугун семинар ўз ишини давом эттиради.

Давлатга пахта топшириш бошланди

ЯНГИБОЗОР, 5 сентябрь (Телефон орқали). Юқори Чирчиқ районидаги Жамбул номли колхознинг аъзолари фидокорона меҳнат қилиб мажбуриятни ошириб бажарадиган даражада юқори ҳосил етиштирдилар. Чигит барвақт экилган участкаларда пахта эрта пишди ва қийғос очилди. Колхоз янги ҳосилни териб давлатга топширишга намунали тайёргарлик кўрди ва районда биринчи бўлиб пахта теримини бошлаб юборди. Ҳозиргача давлатга 20 тонна пахта топширилди. Ўртоқ Асқар Жиянбоев бошлиқ бригада аъзолари теримда биринчи ўринда бормоқдалар.

Октябрь 40 йиллиги шарафига бошланган мусобақа қатнашчилари юқори меҳнат унумига эришаётирлар. Чевар теримчи Ўртоқ А. Мусатова бир кунда 170 килограмм пахта териб кунлик нормани уч ҳисса адо этди. Пардешева, Содатхўжаева, Ибраимова, Деханова, Абдужаффарова, Арнабоева, Ҳусанова ўртоқлар хирмонга 100-135 килограммдан пахта териб топширмоқдалар.

Пахта йиғим-теримига пухта тайёргарлик билан киришайлик

Б. МИРЗАБЕКОВ,
Ўзбекистон КП Тошкент область комитетининг секретари.

Областимиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари бу йил мамлакатга 500 минг тонна пахта ва 120 минг тонна каноп ҳамда жут етиштириб бериш каби шарафли мажбуриятни олганлар. Чорвачилик ҳамда картошка, сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ўтган йилга нисбатан кўп миқдорда етиштирилиши керак.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллигини муносиб кутиб олиш учун мусобақалашаётган областимиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари давлатга галла, пилла, қоракўл тери, тухум топшириш йиллик планини муддатидан илгари бажардилар. Колхозлар давлатга сут топшириш ва харид қилиш йиллик топшириғини ҳам ўтган йилга қараганда анча олдин бажардилар. Давлатга жун, гўшт, сабзавот ва картошка топшириш ҳамда харид қилиш ҳам ҳар йилгидан дуруст бораётир. 1 сентябргача давлатга ўтган йилдагига нисбатан 1,5 минг тонна гўшт, 6,6 минг тонна сут, 2 миллион дона тухум, 3 минг тонна сабзавот ортиқ топширилди. Ҳозир давлатга топшириладиган ва сотиладиган бу маҳсулотларнинг қолган қисмини 7 ноябргача топшириб бўлиш учун барча тадбирлар кўрилмоқда.

Ҳозир область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари бутун кучларини Октябрнинг 40 йиллиги кунигача давлатга пахта топшириш планини бажаришга сафарбар этганлар. Колхозлар, совхозлар давлатга пахта топшириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятни бажариш учун ҳаракат қилиб, ғўзада мўл ҳосил тўплаш юзасидан анча катта ишларни қилдилар. Пахтачиликда янги агротехника ва механизацияни қўлланиш миқёси бирмунча кенгайди. Бутун майдонларда ғўза қатор оралари уч мартадан кўпроқ икки томонлама ишланди. Областда бу йилги сув қамчиллиги хавфи олдиниб, апрель ойидаёқ колхозларда махсус ҳовузлар қазилиб, ер остисувларидан фойдаланиш тадбирлари кўрилди. Колхозларда 100 дан ортиқ ҳовузлар қурилиб 200 га яқин насос ишга солинди. Бу тадбирлар ғўзани ўз вақтида сугоришга, демак ҳосил элементларини қўлаб сақлаб қолишга катта ёрдам берди. Ғўза зараркунандалари ва касалликларига қарши кураш ишлари ҳам кўп даражада уюшқоқлик билан ўтказилди.

Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, механизаторлар, қишлоқ хўжалик мутахассислари, партия, совет ташкилотлари ходимларининг зўр бериш натижасида барча пахта далаларида мўл ҳосил тўпланди. Бу ҳосил давлатга 500 минг тонна пахта топшириш каби юксак мажбуриятни сўзсиз бажаришга имкон беради.

Мўл ҳосил тўплашда социалистик мусобақа гоят ижобий роль ўйнади. Мусобақадош Тожикистон, Туркманистон ва Озарбайжон республикалари, Андижон области пахтакорлари вакилларининг далаларимизда ўтказган текширишлари анча жиддий камчиликларимизни очиб беришга ва уларни тузатишга катта ёрдам берди.

Тошкент ва областнинг бошқа шаҳарларидаги меҳнаткашлар ҳам мўл ҳосил етиштиришда колхозларимизга ҳар йили ҳам яхши ёрдам берадилар.

Андижон область пахтакорларининг бу йил давлатга пахта топшириш юзасидан қўшимча мажбурият қабул қилиш соҳасидаги мурожаатлари бизнинг область пахтақорларимиз томонидан ҳам қўллаб-қувватланди. Верхне-волинск районидаги колхозлар давлатга қўшимча яна 1,5 минг тонна пахта топшириш мажбуриятини олган эдилар. Шунга ўхшаш бошқа районлардаги колхозлар, совхозлар ҳам мажбуриятдан ташқари қўшимча пахта топшириш учун ҳаракат қилмоқдалар. Масалан, Боёвут районидаги «Коммунизм» колхозининг (раиси Ўртоқ Латипов) аъзолари ҳар гектардан 29 ўрнига 40 центнердан, Ўртасарой районидаги «Полярния звезда» колхозининг (раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ўртоқ Ким Пенҳва) аъзолари 36 ўрнига 40 центнердан пахта топшириш мажбуриятини олдилар.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган V пленуми пахта тайёрлаш планини шонли байрам кунларигача бажаришни таъминлаш учун биздан барча кучларимизни ва ихтиёримизда бўлган моддий техника воситаларимизни тўла сафарбар этишимизни талаб қилди.

Ҳали ҳам айрим колхоз ва совхозларда ғўзаси ривожланишдан қолаётган участкалар бор, уларда қўшимча ҳосил тўплаш учун ғўза парвариши тўхтовсиз давом эттирилиши зарур. Областимиз колхоз, совхозларида ана шундай майдонлар 30 минг гектарни ташкил этади. Буларда ғўза парваришини 10-15 сентябргача давом эттиришимиз ва шу йўл билан ҳар тун ғўзада кўшимча 2-3 тадан кўсак етиштириш учун ҳаракат қилишимиз керак.

Шу кунлардаги муҳим вазифалардан бири пахтанинг пишишини тезлатишдир. Бу жиҳатдан сизот сувлари юза турган ерларда уни пасайтириш катта аҳамиятга эга. Бунинг учун зовур ва коллекторларни тозалаш, чуқурлаш керак. Бироқ область сугориш системалари бошқармаси, шунингдек Верхне-волинск, Гулистон район партия ва совет ташкилотлари, ариқ-зовурларни тозалаш ишларига мавжуд экскаваторларни ва бошқа воситаларни тўла сафарбар этмаганлар. Бундай аҳволга тезда хотима бериб, зовур-коллекторларни тозалаш юзасидан белгиланган топшириқларни сўзсиз бажариш керак.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети V пленумининг қарорига биноан областимиз колхоз, совхозлари сентябрь ойида давлатга 180 минг тонна пахта топширишлари керак. Бу вазифани бажариш юксак ташкилотчилик ва мустаҳкам интизомни талаб этади. Бунинг учун пухта тайёргарлик кўриш зарур.

Шу кунларда барча колхоз ва совхозларда колхозчиларнинг умумий йиғилишлари ўтказилиб, Марказий Комитет пленумининг қарори муҳокама қилинмоқда. Кўпчилик колхозчилар, совхоз ишчилари социалистик мусобақа байроғини янада юқори кўтариб, пахта териш юзасидан юксак мажбуриятлар олмоқдалар. Областимизнинг машҳур теримчиси, Бўка районидаги Хрушчев номли колхознинг звено бошлиғи Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Соадат Гулаҳмедова бу йил камида 30 тонна пахта териш юзасидан мажбурият олди. Бўка, Пискент, Сирдарё ва бошқа районларда ҳам Соадатга эргашиб юксак мажбурият олаётган илғорлар сафи тобора ўсмоқда.

Оммавий терим бошлангунча ҳар бир колхоз ва совхозда терим ишларини ўтказиш плани тузилиши керак. Бу жиҳатдан Сирдарё район партия ва совет ташкилотлари томонидан қилинаётган иш яхши миқёсда бўла олади. Бу районда август ойининг охиридаёқ йиғим-терим ишларини ўтказиш планлари ишлаб чиқиб, колхоз активи билан кенг муҳокама қилинди. Ҳар бир колхознинг хусусияти ҳисобга олиниб сентябрь ойи учун графиклар тузилди. Планда ишга яроқли барча колхозчилар ва совхоз ишчиларини пахта теримига тўла сафарбар этиш, уларга қулай моддий-маиший шароит яратиб бериш кўзда тутилган. Транспорт воситалари, хирмонлар, йўллар, кўприклар ва бошқалар жадал суръат билан терим мавсумига тайёрланмоқда. Ўрта Чирчиқ ва Ўртасарой районларида ҳам йиғим-терим кампаниясига тайёргарлик дуруст бораётир.

Бироқ Оржоникидзе, Боёвут, Чиноз, Октябрь ва бошқа бир қатор районларда йиғим-теримга тайёргарлик ишлари кўнгилдагидек кизитилмаётир.

Бу йил йиғим-терим ишлари одатдагидан 5-6 кун кеч бошланади. Бу ҳолда теримнинг дастлабки кунлариданоқ кишлоқдаги барча аҳолини тўла сафарбар этиш, меҳнатни тўғри ташкил этиш, мустаҳкам интизом ўрнатиш, шунингдек далада ишловчиларга қулай моддий-маиший шароит яратиб бериш катта аҳамиятга эга. Айрим колхозларнинг жамоат овқатланишини ташкил этишдаги яхши тажрибаларини кенг ёйиш керак. Барча колхозларда махсус ошхоналар қуриб, бригадаларни марказлаштирилган тартибда иссиқ овқат билан таъминлаш тадбирларини кўриш лозим.

Теримчилар меҳнатига ҳақ тўлаш, уларга ўз вақтида аванс бериб туриш ҳам катта аҳамиятга эга. Ўртасарой район колхозлари теримда меҳнатга ҳақ тўлашнинг прогрессив методини ишлаб чиқдилар. Масалан, Свердлов номли колхозда меҳнат кунларининг сметада белгиланган ҳакига асосланган ҳолда биринчи теримда ҳар бир килограмм пахта учун 45 тийин, иккинчи теримда 40 тийин, учинчи теримда 54 тийиндан тўлашга қарор қилинди. Райондаги «Коммунизм», Охунбобоев номли колхозларда ҳам теримчилар меҳнатига ана шу тартибда ҳақ тўланади. Барча колхозлар меҳнатга ҳақ тўлашда ана шундай прогрессив методларни ишлаб чиқишлари, бунда теримчиларнинг топшириқларни бажаришлари ва ошириб бажаришларини, шунингдек ишнинг сифатини ҳам этиборга олишлари керак.

Колхоз правлениелари ва партия ташкилотлари дала шийпонларини ремонт қилишлари, қайта жиҳозлашлари, бу ерларда ташкил этиладиган барча оммавий-агитация воситаларини тахт қилиб қўйишлари, радио-точкалар ўрнатишлари керак.

Областимизда бу йил бир нечта янги совхозлар ташкил этилди. Район партия, совет ташкилотлари теримнинг дастлабки кунларидан бошлабоқ бу янги хўжаликларга ёрдам беришни таъминлашлари зарур.

Йиғим-терим ишларини механизациялаштириш катта аҳамиятга эга. Лекин область қишлоқ хўжалик бошқармаси, шунингдек қўпчилик МТСлар машина теримига тайёргарликни жуда суст олиб бораётирлар. Эндиликда бундай сусткашликка қатъий барҳам бериб, 15 сентябрдан кечикмай, барча машиналарни ремонтдан чиқариш, дефолиация ўтказиладиган майдонларни ажратиш ишларини тугаллаш лозим. Шундагина пахтаси машина билан терилиадиган далаларда ғўзалар қулай муддатларда тўғри ва яхши доривланади.

Бу йил колхоз ва совхозларда 1000 та асфальтланган пахта хирмонлари қурилиши керак. Бу соҳада Тошкент шаҳридаги аталик ташкилотлари колхоз, совхозларга яхши ёрдам бераётирлар. Шунингдек, катта ўзбек трактининг ходимлари (бошлиғи Ўртоқ Ҳасанов), йўл-машина станциялари область автотранспорт ва тош йўллар бошқармаси ҳам яхши ташаббус кўрсатмоқда.

Пахта сақланадиган айвонлар ва сушилкаларни тайёрлаш иши яхши бормоқда. 864 айвондан ҳозиргача фақат 400 таси, 529 газ сушилкаларидан 184 тасигина ремонтдан чиқарилган. Сушилкаларга ўтин-кўмир келтириш ишлари ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Агар бу ишлар шу кунларда битказиб қўйилмаса йиғим-терим давридаги ишлар янада мураккаблашиб кетади. Шунинг учун ҳар бир колхоз ва совхозда айвон ҳамда сушилкаларни 20 сентябргача ишга тайёр қилиб қўйиш керак.

Областимиз бўйича пахта тайёрлаш давлат планини улуғ айём кунларигача бажариш — область партия ва совет ташкилотларининг шарафли ишидир. Партия ва совет ташкилотлари бу йилги шароитда мўл ҳосил етиштириш учун қандай ишлаган бўлсалар, йиғим-теримни ўтказишда ҳам шундай ғайрат кўрсатишлари керак.

Яқин ва Ўрта Шарқдаги ахвол масаласи юзасидан Совет ҳукумати билан АҚШ, Буюк Британия ва Франция ҳукуматлари бир-бирларига нота юбордилар

19 апрелда СССР Ташқи Ишлар Министрлиги Яқин ва Ўрта Шарқдаги аҳвол масаласи юзасидан Совет ҳукуматининг топшириғига биноан, АҚШ, Буюк Британия ва Франция Ҳукуматларига нота юборган эди ва бу ноталар 21 апрелда совет матбуотида эълон қилинган эди.

11 июнда Буюк Британия ва Франция элчилари ҳамда АҚШнинг ишлар вакили СССР Ташқи ишлар министрининг ўринбосари Н. С. Патоличевга жавоб ноталари топширдилар. Ана шу жавоб ноталарининг текстидан маълум бўлишича, мазкур давлатларнинг Ҳукуматлари Яқин ва Ўрта Шарқда тинчлик ҳамда хавфсизлик ва бу райондаги мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик масаласи юзасидан Совет Ҳукумати томонидан таклиф этилган тўрт давлат Декларациясини қабул қилишдан воз кечдилар ва Яқин ҳамда Ўрта Шарқда вазиятни соғломлаштириш ва нормаллаштириш йўлидаги биринчи қадам сифатида тўрт давлат бу районда ҳал этилмаган проблемаларни ҳал этиш учун куч ишлатишни коралайди, деб айтиш тўғрисида бамаслаҳат бир фикрга келишга тайёр эканликларини» изҳор қилмайдилар.

АҚШ, Буюк Британия ва Франция Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларига нисбатан ўтказиб келаётган сиёсатларини оқлашга интилгандир ва мазкур мамлакатларнинг Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари ички ишларига аралашуви эмас, балки араб-исроил конфликтининг мавжуллиги ана шу районда кескинлик рўй бергانлигига асосий сабабдир, деб исбот қилишга уринмоқдалар. АҚШ, Буюк Британия ва Франция Ҳукуматлари ўз ноталарида агрессив Бағдод пакти мудофаа характерига эгадир ва Бағдод пакти аъзоларининг ўз хавфсизликлари тўғрисида ташвиш тортишлари уларни биргаликда чора кўришга мажбур этади, деб исбот қилишга уринадилар. Аммо Ҳукумат сўзда жанжалларни, уларнинг қаерда рўй беришидан қатъий назар, ҳал этишда куч ишлатишга қарши эканлигини айтса ҳам, амалда улар Яқин ва Ўрта Шарқда ҳал этилмаган проблемаларни ҳал этиш учун куч ишлатишни коралаш тўғрисида махсус баёнот билан чиқиш ҳақидаги совет таклифини қабул қилишдан бош тортмоқда.

АҚШ, Буюк Британия ва Франция Ҳукуматлари Яқин ва Ўрта Шарқдаги вазиятни ҳақиқатан ҳам соғломлантириш ва нормаллаштиришга ёрдам бера оладиган бирорта конкрет таклифни илгари сурмайдилар.

3 сентябрда СССР Ташқи Ишлар Министри А. А. Громико АҚШ элчиси Л. Томпсонни, Буюк Британия элчиси сэр Патрик Райлини ва Франция элчиси М. Дежанни қабул қилди ва уларга Совет Ҳукуматининг ноталарини топширди.

Совет Ҳукуматининг АҚШ Ҳукуматига юборган нотасида айтилишича, Қўшма Штатлар Яқин ва Ўрта Шарқда кескинликни юмшатишдан ва ана шу райондаги халқларга тинч ва осойишта яшаш ҳамда ўзларининг ички ва ташқи сиёсатини белгилаш имкониятини беришдан асло манфаатдор эмас. АҚШ Ҳукумати Америка нефть монополияларининг манфаатларига ва ҳарбий-стратегия мулоҳазаларига амал қилиб ҳамда Яқин ва Ўрта Шарқдаги халқларнинг миллий манфаатлари билан ҳам, Яқин ва Ўрта Шарқда тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш зарурлиги билан ҳам ҳисоблашмай, бу районда зўравонлик қилиш сиёсатини бундан буён ҳам амалга ошириш ниятида бўлса керак.

АҚШ Ҳукумати Совет Ҳукуматининг Яқин ва Ўрта Шарқда куч ишлатишни коралаш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлашдан воз кечиб, халқаро жанжалларни ҳал этиш вақтида куч ишлатмаслик принципи Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставида баён қилинган ва шу сабабдан бу масала юзасидан махсус декларация қабул қилиш зарурати йўқ, деб айтмоқда. Аммо, ҳаммага маълумки, БМТ Уставининг мавжуллиги масалан, Буюк Британия ва Франциянинг Исроил билан биргаликда Миср қаршы қуролли ҳужум қилишига, АҚШ Ҳукуматининг эса, Иорданиядаги воқиалар муносабати билан 6-америка флотининг ҳарбий намойишини ўтказиб, бу билан очиқдан-очиқ куч ишлатиш билан таҳдид қилишга халақит бермади. «Айзенхауэр доктринаси» Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларига қарши америка қуролли кучларини ишлатиш имкониятини очиқдан-очиқ кўзда тутади.

Нотада яна бундай дейилади: АҚШ, Буюк Британия ва Франциянинг Яқин ва Ўрта Шарқда ҳарбий блокларни вужудга келтириш ва ана шу райондаги мамлакатларнинг ички ишларига аралашиш сиёсатини ўтказиб келаётганликлари Яқин ва Ўрта Шарқдаги вазиятни жиддий суратда кескинлаштириб юборди ва тинчлик ҳамда халқаро хавфсизлик ишига таҳдид қилаётган конфликтларнинг янги ўчоқларини доим вужудга келтирмоқда. Жумладан, яқинда Сурияда ҳукуматга қарши фитнанинг фош этилганлиги буни исбот қилади. Американинг расмий вакиллари ана шу фитнанинг ташкилотчилари бўлдилар.

Совет Ҳукумати бундай сиёсатнинг, шу жумладан, АҚШ Ҳукуматининг нотасида ана шу райондаги мамлакатларни бундан буён ҳам турли ҳарбий гуруҳларга тортиш ниятида эканлиги ҳақида изҳор қилинган фикр хавфли оқибатларга олиб келиши мумкин эканлигига АҚШ Ҳукуматининг яна эътиборини жалб этади ва тўрт давлатнинг ҳал этилмаган масалаларни ҳал этиш воситаси сифатида куч ишлатишни коралаш тўғрисида ва Яқин ҳамда Ўрта Шарқнинг ички ишларига аралашишдан воз кечиш ҳақида баёнот билан чиқиши ана шу райондаги вазиятни соғломлантириш ва нормаллаштириш ва ўсиб бораётган ҳарбий кучлар ишлата бошлади. Ҳарбий кучлар бу сафар Уммонда ва Яманда ишлатилмоқда. Буюк Британия Уммоннинг мустақиллигини шартнома асосида таниган эди. Британиянинг Уммондаги қуролли интервенцияси кўпол зўравонлик қилиш эктидир. Англия ҳукумати БМТ Уставига мувофиқ олган мажбуриятларини бузиб, Уммоннинг мустақиллигини тиклаш йўлидаги халқ қаҳрамонларини қўллаб-қувватлаш ўрнига, аксинча, Уммоннинг ички ишларига аралашиб, ҳеч қандай конкрет таклифларни илгари сурмай, ҳозирги вақтда яна ҳарбий кучлар ишлата бошлади. Ҳарбий кучлар бу сафар Уммонда ва Яманда ишлатилмоқда. Буюк Британия Уммоннинг мустақиллигини шартнома асосида таниган эди. Британиянинг Уммондаги қуролли интервенцияси кўпол зўравонлик қилиш эктидир. Англия ҳукумати БМТ Уставига мувофиқ олган мажбуриятларини бузиб, Уммоннинг мустақиллигини тиклаш йўлидаги халқ қаҳрамонларини қўллаб-қувватлаш ўрнига, аксинча, Уммоннинг ички ишларига аралашиб, Ҳавфсизлик Кенгашида ана шу масаланинг муҳокама қилинишига қарши чиқди.

Ҳозирги вақтда Буюк Британия, АҚШ ва Франция Сурияга қарши асаб (нерв) урушини кучайтирмоқдалар ва Сурия Республикасига қарши яна биргалашиб ҳаракат қилиш учун тайёрланмоқдалар.

Совет Ҳукумати Яқин ва Ўрта Шарқдаги вазиятнинг кескинлашгандигидан ташвишланиб, ана шу райондаги Буюк Британия, АҚШ ва Франция томонидан ўтказилаётган зўравонлик қилиш сиёсати ва улар томонидан вужудга келтирилган агрессив Бағдод пактининг фаолияти ана шу кескинликнинг асосий манбаи деб ҳисоблайди. Совет Ҳукумати Буюк Британия Ҳукуматининг Бағдод пакти мудофаа характерига эгалиг ва Бағдод пакти қатнашчиларининг учинчи сессияси буни тасдиқлади, деган даъволарига қўшила олмайди. Ҳақиқатда эса, ана шу пакт қатнашчиларининг Карачида бўлиб ўтган кейинги сессияси бу пактнинг аъзолари Яқин ва Ўрта Шарқда тинчлик иши учун ҳавфли оқибатлар келтирадиган сиёсатни амалга ошироаётганликларини яна бир марта кўрсатди.

Совет Ҳукумати Франция Ҳукуматига юборган нотасида ҳам Яқин ва Ўрта Шарқда Ғарб давлатлари томонидан ўтказилаётган зўравонлик қилиш сиёсати бу районда рўй берган кескинликнинг асосий манбаи эканлигини кўрсатади. Шу муносабат билан Совет Ҳукумати Франция Ҳукуматининг ўз нотасида ҳали якиндагина ўзи қарши чиққан агрессив Бағдод пактини мақуллаётганлигига эътиборни жалб этмай қололмайди.

Нотада яна бундай дейилади: кейинги вақтларда матбуотда араб мамлакатларига қарши Франциянинг Исроил билан иттифоқни вужудга келтириш планлари тўғрисида хабарлар пайдо бўллики, бунга эътибор бермай бўлмайди. Совет Ҳукуматининг фикрича, бундай иттифоқнинг тузилиши (шу иттифоқнинг ташкилотчилари мазкур иттифоқ даставвал ҳарбий аспектга эга бўлажагини яшира олмайдилар) Исроилдаги ҳукмрон доираларда араб мамлакатларига энг ҳушман кайфиятда бўлган элементларни рағбатлантирган бўлуғ эди. Бу эса, Яқин ва Ўрта Шарқ районида вазиятни яна ёмонлаштиришга олиб келмай қололмайди.

Совет Ҳукумати Буюк Британия ва Франция Ҳукуматларига юборган ноталаринг охирида бундай дейди: келгусида конфликтларнинг олдини олиш ва Яқин ҳамда Ўрта Шарқдаги вазиятни умуман соғломлаштириш учун тўрт буюк давлат биринчи қадам сифатида Яқин ва Ўрта Шарқда ҳал этилмаган масалаларни ҳал этиш воситаси сифатида куч ишлатишни коралаш тўғрисидаги ва бу райондаги мамлакатларнинг ички ишларига аралашишдан воз кечиш ҳақидаги баёнот билан чиқиши зарур.

Чет Элларда

АЛБАНИЯ — СОВЕТ ДЎСТЛИГИ ОЙЛИГИ

ТИРАНА, 4 сентябрь. (ТАСС). Халқ Албаниясининг ҳамма қисмида Албания — Совет дўстлиги ойлиги сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати гоят ўсган бир вазиятда ўтмоқда.

Албания билан СССР дўстлиги жамиятининг бош котиби Албания меҳнаткашларини совет кишиларининг коммунистик қурилиш соҳасида эришган муваффақиятлари ва тажрибалари билан бундан буён ҳам таништириш юзасидан кенг программа ишлаб чиқди. Ишчилар, хизматчилар, қишлоқ меҳнаткашлари ва ўқувчилар ўртасида Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 40 йиллиги тўғрисида, совет халқининг иқтисодий ва маданий қурилиш соҳасида эришаётган янги ғалабалари ҳақида лекциялар ўқилади. Сентябрь ойида совет музикаси ҳафтаси, совет фильмлари кинофестивали ўтказилади. Корхоналарда, қишлоқ хўжалик кооперативларида ва ўқув юртларида дўстлик байрамлари ташкил этилади.

Албания Халқ Республикаси ҳукумат делегациясининг Совет Иттифоқига қилган визитига, совет халқининг албан халқига кўрсатаётган қардошларча ёрдамига бағишланган 30 миндан ортиқ фотовиставка республикадаги маданий — оқартув муассасаларига юборилди.

А. Хачатурянниг Аргентинада бўлишига доир

БУЭНОС-АЙРЕС, 4 сентябрь. (ТАСС). Аргентинада яшовчи совет граждانларини бирлаштирувчи М. Горький номли маданий-оқартув жамияти шу ерда меҳмон бўлиб турган совет композитори Арам Хачатурян шарафига кеча ўтказди. Бадиий ҳаваскорлик комитетларининг кучлари билан рус, украин, белорус, арман ва аргентин халқ қўшиқлари ҳамда рақслари, шунингдек совет композиторларининг қўшиқлари ижро этилди.

Жамият вакиллари совет композиторини самимий табриклашлар.

Шундан кейин А. И. Хачатурян нутқ сўзлади. У, жамиятнинг ишларига муваффақият тилади.

Кечада ёшлар ва студентлар VI Жаҳон фестивалида қатнашиб, Москвадан қайтиб келган Андре Топбачян ҳам нутқ сўзлади. У, совет қўшиларининг гоят меҳмонўст эканликларини, ер юзидаги барча халқлар билан тинч ва дўст бўлиб яшашга интилаётганликларини таъкидлади.

Венгрия Халқ Республикаси ҳукумат делегациясининг Сурияда бўлиши

ДАМАШҚ, 4 сентябрь. (ТАСС). Сурия ҳукуматининг таклифига мувофиқ, Венгрия Халқ Республикасининг ҳукумат делегацияси кеча бу ерга келди. Делегацияга ташқи ишлар министрининг ўринбосари Карой Сарзо бошчилик қилади. Делегация «Венгрия масаласи» деб аталган масала муносабати билан Венгриядаги ҳақиқий аҳвол тўғрисида Сурия ҳукуматига ахборот беради. Ғарб мамлакатлари «Венгрия масаласи»ни БМТ Бош Ассамблеясида мажбуран муҳокама қилдиришга уринмоқдалар.

Кеча Венгриянинг Суриядаги ишлар вакили ҳузурида қабул маросими ўтказилди. Қабул маросимида Сурия бош министри Асали, парламент раиси Қудси, ташқи ишлар министри Битар, Сурия армияси бош штабининг бошлиғи Бизри, миллий экономика министри Каллаас, парламент депутатлари, дипломатия корпусининг аъзолари ҳозир бўлдилар.

Қабул маросими самимий, дўстона вазиятда ўтди.

Гоа халқ партиясининг конференциясида

ДЕҲЛИ, 4 сентябрь. (ТАСС). «Фри пресс жорнэл» газетаси билдирди: Гоа халқ партиясининг регионал конференцияси Бомбайда уч кун мажлис ўтказди. Бу мажлислар тамом бўлганидан кейин конференция Гоадаги барча ватанпарварларга мурожаат қилди ва уларни Португалия мустамлакачилари ўз қўлларида ушлаб турган ҳинд территориясини озод қилиш учун ана шу мустамлакачиларга қарши курашиш учун бирлашган фронтини вужудга келтиришга чақирди.

Конференция қатнашчилари резолюция қабул қилдилар. Бу резолюция барча миллий ва халқаро ташкилотларни Португалия ҳукуматига таъсир кўрсатишга ва маҳбусларни озод қилишга эришишга чақирди. Ана шу маҳбусларнинг баъзилари Португалия зиндонларида 10 йилдан кўпроқ вақтдан буён азоб чекиб ётмоқдалар.

БОЛГАРИЯ ВА МХР ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯЛАРИ ЎРТАСИДА ОЛИБ БОРИЛГАН МУЗОКАРАЛАР ТЎҒРИСИДА ҚЎШМА ДЕКЛАРАЦИЯ

СОФИЯ, 4 сентябрь. (ТАСС). Болгария телеграф агентлиги билдиради: бугун бу ерда Болгария Халқ Республикаси ва Мўғулистон Халқ Республикаси ҳукумат делегациялари ўртасида олиб борилган музокаралар ҳақида қўшма баёнот эълон қилинди. Бу музокаралар МХР ҳукумат делегацияси 1957 йил 31 августдан 4 сентябргача Болгарияда бўлган вақтида Софияда олиб борилган эди.

Делегациялар музокаралар самимий ва дўстона вазиятда олиб борилгандигини ва ҳар иккала томон бир-бирлари ўртасидаги қардошларча дўстлик ҳамда ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ бўлган масалаларни муҳокама қилганлигини таъкидлаб, музокаралар муҳокама этилган масалаларга баҳо беришда ҳар иккала ҳукуматнинг фикри тамомила бир эканлигини кўрсатди, деб қайд қиладилар. Болгария Халқ Республикаси ва Мўғулистон Халқ Республикаси ҳукуматлари ҳар иккала мамлакатнинг ташқи сиёсати тенг ҳуқуқлилик, бир-бирларини ҳурмат қилиш ва бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик принципларига, ўзаро ҳамкорлик ва давлатларнинг, улардаги ижтимоий тузумнинг қандай бўлишидан қатъи назар, тинч-тотув яшаш принципига асосланганлигини билдирадилар. Ҳар иккала давлатнинг ана шу сиёсати Совет Иттифоқи бошчилигидаги социалистик мамлакатларнинг бирлиги ва жипслигини янада мустаҳкамлашга ва бутун дунёда мустаҳкам тинчликни таъминлашга қаратилган.

Ҳар иккала ҳукумат шуни қайд қиладики, Ғарбдаги баъзи давлатларнинг ҳукмрон доиралари халқларнинг ҳоҳиш-иродасига хилоф суратда зўр бериб интилганлиги, халқаро вазиятни кескинлаштириш сиёсатини ўтказиб келмоқдалар, Ғарбий Германияда милитарист ва реваншист кучларни актив суратда қўллаб-қувватламоқдалар, араб мамлакатларининг ички ишларига сурбетларча аралашмоқдалар ва ана шу районда ўзларининг мустамлакачилик ҳукмронлигини сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш учун ҳар қандай йўллар билан ҳаракат қилмоқдалар. Мисрдаги ҳарбий интервенция, Иорданияда халққа қарши қаратилган ўғариш, Уммонга қарши агрессия, Сурияга қарши ирвогарлиқ ҳаракатлари ва халқларнинг тинчлиги ҳамда хавфсизлигига таҳдид қилаётган шу хилдаги бошқа хуружлар ана шу сиёсатни яққол ифода этади.

Болгария Халқ Республикаси ва Мўғулистон Халқ Республикаси ҳукуматлари Ғарб давлатларининг ана шу сиёсатини қоралайдилар ва ўз озодлиги ҳамда миллий мустақиллиги учун адолатли кураш олиб бораётган араб мамлакатлари халқларини қўллаб-қувватлайдилар.

Ҳар иккала ҳукумат Совет ҳукуматининг қурол-яроғларни камайтириш тўғрисидаги, термоядро қуроли синовларини дарҳол тўхтатиш ҳақидаги ва бу қуролни тақиқлаш тўғрисидаги тинчликсеварлик руҳидаги таклифларини сўзсиз қувватлайди.

Болгария Халқ Республикаси Ҳукумати Мўғулистон Халқ Республикасининг БМТ аъзоси бўлиш йўлидаги қонуний талабини қатъий қувватлайди.

Ҳар иккала ҳукумат Совет Иттифоқи бошчилигидаги социалистик лагернинг бирлигини янада мустаҳкамлаш, бутун дунёнинг барча тинчликсевар ҳамда демократик кучларини жипслаштириш тинчликни ва халқлар хавфсизлигини сақлашнинг асосий гарантиясидир, деб ҳисоблайди.

Араб мамлакатлари иттифоқи сиёсий комитетининг сессияси ўз ишларини тамомлади

ҚОҲИРА, 4 сентябрь. (ТАСС). Бу ерда араб мамлакатлари иттифоқи сиёсий комитетининг сессияси ўз ишини тамомлади.

Сиёсий комитет араб жамоатчилигини гоят қизиқтираётган масалаларни, чунончи Англиянинг Уммондаги интервенцияси, Жазоирдаги аҳвол ва инглиз империалистларининг Яманга қарши агрессияси каби масалаларни муҳокама қилди.

Сиёсий комитет Уммон имомининг ўринбосари амир Ал харсининг Уммондаги аҳвол тўғрисидаги баёнотини эшитди. Уммон имомининг ўринбосари Уммонда мамлакатга бостириб кирган қўшинларга қарши миллий кучларнинг кураши давом этмоқда, деди ва араб давлатларини Англиянинг Уммондаги интервенцияси тўғрисидаги масалани БМТ Бош Ассамблеясининг муҳокамасига яна қўйишга чақирди.

Сиёсий комитет Уммон имоматининг адолатли курашини якдиллик билан қўллаб-қувватлади ва араб давлатларининг БМТдаги вакилларига Уммон масаласи БМТ Бош Ассамблеясида муҳокама қилинган тақдирда бу масаланинг муваффақиятли суратда ҳал этилишини таъминлаш учун зарур чоралар кўришни тошширди.

Яман делегациясининг бошлиғи Абу Толиб Ямандаги аҳвол масаласи юзасидан нутқ сўзлади. Сиёсий комитет Англиянинг Яманга қарши агрессиясини қоралади ва араб мамлакатлари Яманнинг мустақиллигини ҳимоя қилишлари учун ҳамма вужудга келтирмоқда. Жумладан, яқинда Сурияда ҳукуматга қарши фитнанинг фош этилганлиги буни исбот қилади. Американинг расмий вакиллари ана шу фитнанинг ташкилотчилари бўлдилар.

Совет Ҳукумати бундай сиёсатнинг, шу жумладан, АҚШ Ҳукуматининг нотасида ана шу райондаги мамлакатларни бундан буён ҳам турли ҳарбий гуруҳларга тортиш ниятида эканлиги ҳақида изҳор қилинган фикр хавфли оқибатларга олиб келиши мумкин эканлигига АҚШ Ҳукуматининг яна эътиборини жалб этади ва тўрт давлатнинг ҳал этилмаган масалаларни ҳал этиш воситаси сифатида куч ишлатишни коралаш тўғрисида ва Яқин ҳамда Ўрта Шарқнинг ички ишларига аралашишдан воз кечиш ҳақида баёнот билан чиқиши ана шу райондаги вазиятни соғломлантириш ва нормаллаштириш йўлидаги биринчи қадам сифатида тўрт давлат бу районда ҳал этилмаган проблемаларни ҳал этиш учун куч ишлатишни коралайди, деб айтиш тўғрисида бамаслаҳат бир фикрга келишга тайёр эканликларини» изҳор қилмайдилар.

АҚШ, Буюк Британия ва Франция Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларига нисбатан ўтказиб келаётган сиёсатларини оқлашга интилгандир ва мазкур мамлакатларнинг Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари ички ишларига аралашуви эмас, балки араб-исроил конфликтининг мавжуллиги ана шу районда кескинлик рўй берганлигига асосий сабабдир, деб исбот қилишга уринмоқдалар. АҚШ, Буюк Британия ва Франция Ҳукуматлари ўз ноталарида агрессив Бағдод пакти мудофаа характерига эгадир ва Бағдод пакти аъзоларининг ўз хавфсизликлари тўғрисида ташвиш тортишлари уларни биргаликда чора кўришга мажбур этади, деб исбот қилишга уринадилар. Аммо Ҳукумат сўзда жанжалларни, уларнинг қаерда рўй беришидан қатъий назар, ҳал этишда куч ишлатишга қарши эканлигини айтса ҳам, амалда улар Яқин ва Ўрта Шарқда ҳал этилмаган проблемаларни ҳал этиш учун куч ишлатишни коралаш тўғрисида махсус баёнот билан чиқиш ҳақидаги совет таклифини қабул қилишдан бош тортмоқда.

АҚШ, Буюк Британия ва Франция Ҳукуматлари Яқин ва Ўрта Шарқдаги вазиятни ҳақиқатан ҳам соғломлантириш ва нормаллаштиришга ёрдам бера оладиган бирорта конкрет таклифни илгари сурмайдилар.

3 сентябрда СССР Ташқи Ишлар Министри А. А. Громико АҚШ элчиси Л. Томпсонни, Буюк Британия элчиси сэр Патрик Райлини ва Франция элчиси М. Дежанни қабул қилди ва уларга Совет Ҳукуматининг ноталарини топширди.

Совет Ҳукуматининг АҚШ Ҳукуматига юборган нотасида айтилишича, Қўшма Штатлар Яқин ва Ўрта Шарқда кескинликни юмшатишдан ва ана шу райондаги халқларга тинч ва осойишта яшаш ҳамда ўзларининг ички ва ташқи сиёсатини белгилаш имкониятини беришдан асло манфаатдор эмас. АҚШ Ҳукумати Америка нефть монополияларининг манфаатларига ва ҳарбий-стратегия мулоҳазаларига амал қилиб ҳамда Яқин ва Ўрта Шарқдаги халқларнинг миллий манфаатлари билан ҳам, Яқин ва Ўрта Шарқда тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлаш зарурлиги билан ҳам ҳисоблашмай, бу районда зўравонлик қилиш сиёсатини бундан буён ҳам амалга ошириш ниятида бўлса керак.

АҚШ Ҳукумати Совет Ҳукуматининг Яқин ва Ўрта Шарқда куч ишлатишни коралаш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлашдан воз кечиб, халқаро жанжалларни ҳал этиш вақтида куч ишлатмаслик принципи Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставида баён қилинган ва шу сабабдан бу масала юзасидан махсус декларация қабул қилиш зарурати йўқ, деб айтмоқда. Аммо, ҳаммага маълумки, БМТ Уставининг мавжуллиги масалан, Буюк Британия ва Франциянинг Исроил билан биргаликда Миср қаршы қуролли ҳужум қилишига, АҚШ Ҳукуматининг эса, Иорданиядаги воқиалар муносабати билан 6-америка флотининг ҳарбий намойишини ўтказиб, бу билан очиқдан-очиқ куч ишлатиш билан таҳдид қилишга халақит бермади. «Айзенхауэр доктринаси» Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларига қарши америка қуролли кучларини ишлатиш имкониятини очиқдан-очиқ кўзда тутади.

Нотада яна бундай дейилади: АҚШ, Буюк Британия ва Франциянинг Яқин ва Ўрта Шарқда ҳарбий блокларни вужудга келтириш ва ана шу райондаги мамлакатларнинг ички ишларига аралашиш сиёсатини ўтказиб келаётганликлари Яқин ва Ўрта Шарқдаги вазиятни жиддий суратда кескинлаштириб юборди ва тинчлик ҳамда халқаро хавфсизлик ишига таҳдид қилаётган конфликтларнинг янги ўчоқларини доим вужудга келтирмоқда. Жумладан, яқинда Сурияда ҳукуматга қарши фитнанинг фош этилганлиги буни исбот қилади. Американинг расмий вакиллари ана шу фитнанинг ташкилотчилари бўлдилар.

Совет Ҳукумати бундай сиёсатнинг, шу жумладан, АҚШ Ҳукуматининг нотасида ана шу райондаги мамлакатларни бундан буён ҳам турли ҳарбий гуруҳларга тортиш ниятида эканлиги ҳақида изҳор қилинган фикр хавфли оқибатларга олиб келиши мумкин эканлигига АҚШ Ҳукуматининг яна эътиборини жалб этади ва тўрт давлатнинг ҳал этилмаган масалаларни ҳал этиш воситаси сифатида куч ишлатишни коралаш тўғрисида ва Яқин ҳамда Ўрта Шарқнинг ички ишларига аралашишдан воз кечиш ҳақида баёнот билан чиқиши ана шу райондаги вазиятни соғломлантириш ва нормаллаштиришга ёрдам бера оладиган бирорта конкрет таклифни илгари сурмайдилар.

Сурия-Миср ҳамкорлиги мустаҳкамланмоқда

ДАМАШҚ, 4 сентябрь. (ТАСС). Матбуотнинг билдиришича, бу ерда Миср билан Сурия ўртасида иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш тўғрисидаги битим имзоланган.

Битим ҳар иккала мамлакатнинг экспорт ва импорт масалаларида бир хил сиёсатни ўтказишларини, кредит масалалари соҳасидаги ишларни мувофиқлаштириб олиб боришларини кўзда тутади, бир-бирларининг товарларидан пошлина олишдан воз кечишни, саноат корхоналари қуриш учун қўшма компаниялар, транспорт, қишлоқ хўжалик компаниялари ва ташқи савдо агентликлари тузишни кўзда тутади.

Газеталар бу битимга катта аҳамият бермоқдалар ва бу битим ҳар иккала мамлакатнинг иқтисодий бирлигига эришиш йўлида янги амалий қадам, деб таъкидламоқдалар. Сурия билан Миср ўртасидаги мустаҳкам ҳамкорлик, деб ёзади газеталар, Сурия билан Миср ўртасидаги мустаҳкам ҳамкорлик империалистларнинг фитналари олдида араб мамлакатлари ва бу мамлакатлар халқларининг бирлигини янада мустаҳкамлашга имкон беради.

ТОЛИБЖОН СОДИҚОВ

1957 йил 5 сентябрда узоқ оғир касалликдан кейин Ўзбекистон музика санъатининг йирик арбобларидан бири — таланти композитор, Ўзбекистон ССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати, Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрининг дирижёри **Толибжон Содиқов** вафот этди.

Толибжон Содиқов Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин ўсиб шаклланган шонли ўзбек совет интеллигенциясининг вакилларидан биридир. У 1907 йилда Тошкент шаҳрида туғилди. Толибжон Содиқов болалик чоқлариданоқ музикага қизиқди. У, Самарқандда музика маълумотини олгандан кейин, республиканинг музика ҳаётида актив иштирок этди.

Толибжон Содиқов совет миллий операсини яратиш соҳасида муваффақиятли ишлаган ўзбек композиторларидан биридир. Унинг отоқли совет композитори Р. М. Глиэр билан ҳамкорликда яратган «Лайли ва Мажнун» ва «Гулсара» опералари халқ томонидан шу кунгача севилиб тамоша қилинмоқда.

Толибжон Содиқов музикали драмалар, симфониялар, хорлар ва бошқа хил асарлар яратишда баракали ижод қилди.

Композитор ўз ижодида ранг-баранг миллий рус ва европа музика асарлари формаларидан усталик билан фойдаланиб, социалистик реализм руҳидаги ўзбек музика маданиятини яратишда катта ҳисса қўшди.

Толибжон Содиқовнинг ижоди партиявийлик ва халқчиллик руҳи билан, совет Ватанига муҳаббат ва инсон меҳнатига ҳурмат туйғулари билан суғорилгандир.

Совет ҳукумати талантли музика арбоби Толибжон Содиқовнинг ижодини юксак тақдирлади. У «Меҳнат Қизил байроқ ордени», иккита «Ҳурмат белгиси» ордени билан мукофотланди. Сталин мукофоти лауреати унвонига муяссар бўлди.

Ўзбекистонда янги социалистик санъатнинг яратувчиларидан бири Толибжон Содиқов камтар, жўшқин ижодкор ва ҳозир жавоб эди.

Ўзбек халқининг асл фарзанди Толибжон Содиқовнинг ёрқин хотираси бизнинг юракларимизда ҳамиша яшайди.

М. А. Абдураззоқов, С. О. Азимов, С. Э. Азимов, И. Р. Арнаутов, Ойбек, О. А. Алимов, И. Акбаров, М. А. Ашрафий, Н. Аҳмедова, А. П. Бизов, М. Бурхонов, Г. А. Габриельянц, Р. Г. Ғуломов, Т. Жумаев, Т. Жалилов, Зулфия, С. К. Камолов, В. К. Козлов, А. А. Лучинский, Н. А. Муҳитдинов, Р. Е. Мельников, М. З. Мирзаахмедов, Қ. Муртозаев, М. В. Муҳамаджонов, М. М. Мусахонов, Е. С. Насриддинова, Г. Н. Нажимов, С. Н. Нуриддинов, Ҳ. Носирова, Ш. Р. Рашидов, З. Р. Раҳимбобоева, А. Н. Рудин, Ю. Ражабий, Б. Раҳмонов, Д. Соатқулов, М. Турғунбоева, О. Хўжаев, К. Яшин.

Самарқандга экскурсия

СоюзНИХИнинг ўғитлар ва тупроқшунослик марказий станциясининг бир группа ходимлари яқинда архитектура ёдгорликларига бой бўлган Самарқанд шаҳрига экскурсияга бордилар. Экскурсантлар шаҳардаги Гўр Амир мақбараси, Бибихоним мачити, Шоҳи Зинда архитектура ансамблини, Қозизода Руми мақбараси, Ширдор ва Тилла қори мадрасаларини кўздан кечирдилар. Ўзбек халқ миллий меъморчилигининг ажойиб намунаси бўлган бу архитектура ёдгорликлари экскурсантларда катта таассурот қолдирди.

Экскурсантлар бундан ташқари XV асрнинг буюк астрономи Улуғбек абсерваториясини ҳам бориб кўрдилар. Шунингдек улар шаҳарнинг бошқа диққатга сазовор жойларида бўлдилар.

ФУТБОЛ

„Пахтакор“ яна икки очко олди

Биринчи кругда муваффақиятсиз ўйнаган «Пахтакор» командаси иккинчи турдаги ўйинларни анча дуруст ўтказмоқда. Бу кругда ўтказилган ўйинларда тошкентликлар ҳали сира мағлубиятга учрагانлари йўқ. Улар 4 сентябрда «Пахтакор» марказий стадионида «Урожай» (Сталинобод) командаси билан бўлиб ўтган учрашувни ҳам ғалаба билан якунладилар.

Ўйиннинг биринчи ярмида меҳмонлар анча актив ўйнадилар ва тошкентликлар дарвозасига бир неча марта жиддий хавф солдилар. «Пахтакор» футболчилари эса кўпгина комбинацияларни муваффақиятсиз ўтказдилар.

Ўйиннинг иккинчи ярми асосан тошкентликларнинг актив ҳужуми остида ўтди. 53-минутда ҳужумчи Боркин маҳорат билан биринчи тўпни киритади. Шундан кейин Мақсудов 11 метрдан иккинчи тўпни ва Тазетдинов ўнг қанотдан учинчи тўпни киритадилар. Мағлубиятдан қутилиш учун жон-жаҳдлари билан кириштан сталинободликлар сўнгги минутларда бир тўп киритишга муваффақ бўладилар.

Шундай қилиб биринчи кругда тошкентликларни 2:1 ҳисоби билан ютган «Урожай» командаси бу сафар 3:1 ҳисоби билан ютқазди.

ҲОДИСА

Қўй ўғриси

Тошкентдаги 8-милиция бўлимининг ходими ўртоқ Ашуров Карамурская кўчасида хизмат вазифасини бажариб юрганда, кечаси соат бирда номаълум бир шахсни учратади. Унинг орқасидаги қопда нимадир бор эди. Милиция ходими бемаҳалда юрган бу шахсдан шубҳаланди. Ашуров номаълум шахсдан кимлиги ва қаердан келаётганини сўраган эди, у саросимага тушиб, жавоб беришда тутилиб қолди.

Ашуров шубҳали қишини ушлаб, дарҳол милиция бўлимига олиб келди. Текшириш натижасида шу нарса маълум бўлди: шубҳали шахснинг исми Юрий Мякишев бўлиб, 1930 йилда туғилган. Тимирязев кўчасидаги 2-уйда туради, ҳеч қаерда ишламайди. Ҳалиги қопдаги нарса сўйилган қўйнинг гўшти экан. Мякишев бу қўйни Громова кўчасидаги 24-уйда турувчи Манзура Низованинг уйидан ўғирлаган. У қўйни олиб кетишни осонлаштириш учун сўйиб қопга солиб олган.

Ўғри жиноий жавобгарликка тортилди. Сўйилган қўй эгасига қайтариб берилди.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА (ёзги бино) — 6/IX да **Жазоир, менинг ватаним!**, 7/IX да **Ганг дарёсининг қизи.**

НАМАНГАН ОБЛАСТЬ ТЕАТРИ гастроллари (Эстрада театри биносида) — 6/IX да **Отелло**, 7/IX да **Концерт.**

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 6/IX да **Жизель**, 7/IX да **Евгений Онегин.**

КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ИСКРА» (қишки) — эрталаб соат 9 дан кеч 10-20 минутгача **Саҳродаги воқиа**, кеч 8-40 минут ва 10-50 минутда **Севги ва кўз ёши**, кеч 9-10 минут ва 11 да **Жузеппе Верди.**

«ЕШ ГВАРДИЯ», «ЎЗБЕКИСТОН» — кундуз ва кечқурун **Саҳродаги воқиа.**

«ИСКРА» (ёзги), «ХИВА», «САЛЮ